O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 9-iyun, chorshanba ● № 24 (675) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

## ЗАМОНАВИЙ ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ МЕЗОНЛАРИ

***Фестивалда дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан келган журналистлар беш кун давомида ҳозир дунё аҳлининг диққат марказида бўлган интернет ва замонавий технологияларнинг журналистикага таъсири хусусида фикрлащдилар.***

⇨ 4-бет

## РЎЙИ ЗАМИН САЙҚАЛИ

***Самарқанд жуда қадим шаҳар сифатида нодир манбаларга бой маскандир. Биз бу бойлигимизни асраб-авайлашни, уни кўз қорачиғидек сақлаб, асл ҳолича келгуси авлодларга етказишни ўзимизнинг инсонийлик бурчимиз деб биламиз.***

⇨ 6-бет

## БИР ФАЙЗИ МАЪНАВИЙДУРКИ...

***Эътиқод – сизу биз ишонган, дил ва тил билан тасдиқлаган имон неъмати; эътиқод минглаб кишиларни маслақдош қиладиган эзгу ғоя; эътиқод бу хайриятга сабаб бўладиган, бахтга эриштирадиган, рўшноликка олиб чиқадиган руҳий қудрат.***

⇨ 7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан жорий йилнинг 9 — 11 июнь кунлари Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади ва ШҲТ саммитида иштирок этади.**

**Ташриф давомида Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.**

**Музокоралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.**

■ 7 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси Президентининг Қирғизистон Республикаси билан муносабатларни ривожлантириш бўйича махсус вакили Владимир Рушайлони қабул қилди.

Учрашувда минтақадаги вазият ривожи, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг бошқа кўп томонлама механизмлари доирасидаги ҳамкорлик, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ **8 июнь куни пойтахтимизда Ўзбекистон—Жанубий Корея ишбилармонлар кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

**Тадбирда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Иштирокчилар ўзаро муносабатларни ривожлантириш, биргаликда икки томон учун ҳам манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар.**

■ Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Германиянинг халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик фонди ҳамкорлигида қонун ҳужжатларини туркумлаш ва бу жараёнда электрон маълумотлар базасидан фойдаланиш масалаларига бағишланган халқаро семинар ўтказилди.

■ 2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

*Мутахассисларнинг айтишларича, ёзнинг ҳароратли тафти, тоза ҳаво ва жисмоний ҳаракат уйғунлиги, фаол бола танасини кам ҳаракат болага нисбатан бир неча баробар кўпроқ чиниқтириб, ҳадеганда касалликка чалинмаслигини таъминлар экан. Сўлим табиат манзараси эса бола руҳиятига ижобий таъсир этиб, уни борлиққа меҳр билан қарашга ундайди.*

# Ёзги оромгоҳлар чорлайди

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Озода Муҳиддинованинг маълум қилишича, бу йилги соғломлаштириш мавсумида республикамизнинг жами 812 та оромгоҳида 245 минг нафар бола чиниқади. Уларнинг 120 минг нафари касаба уюшмаларининг етти миллиард сўмдан зиёд, қолган 125 минг нафари вилоят ва туманлар ҳокимликлари, "Маҳалла" жамғармаси ҳамда ҳомийларнинг олти ярим миллиард сўмдан ортиқ маблағлари ҳисобига дам олиши режалаштирилган.

Баркамол авлод йили муносабати билан ёзни соз ўтказадиган болаларнинг 50 фоиздан кўпроғини кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандлари, жумладан, 2 минг нафарини Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ташкил этади. Шунингдек, Оролбўйи минтақасидан жами 3 минг — Қорақалпоғистон Республикасидан 2 минг, Хоразм вилоятидан минг нафар бола Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти корхоналарига қараши оромгоҳларда бепул ҳордиқ чиқаради. Ушбу ҳудуддаги болаларни оромгоҳларда соғломлаштириш учун республика Молия вазирлиги томонидан қўшимча 380 миллион сўм маблағ ажратилгани эътиборга молик. Бу мавсумда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги болалар оромгоҳларини заҳарли ҳашаротларга қарши 80 миллион сўмлик дори воситалари билан таъминлаганини ҳам қайд этиш лозим.

Қашқадарё, Тошкент, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг қатор корхона ҳамда ташкилотлари ўз маблағлари ҳисобидан болаларнинг кундалик овқатланишлари учун қўшимча маблағлар ажратишга, шунингдек, уларнинг оромгоҳларда дам олиш муддатларини 18 кунга узайтиришга эришди. Ушбу муддат тиббий нуқтаи назардан боланинг меъёрда чиниқишига мос келар экан.

Ҳар бир оромгоҳда маънавият-маърифат, компьютер хоналари, кутубхона ва тўгараклар ташкил этилиб, Баркамол авлод йилига ҳамда мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказилади. Болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларнинг маънавий дунёқарашини ўстириш мақсадида оромгоҳлараро кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, турли саёҳатлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган болаларни ёзги соғломлаштириш ташкилотчиларининг яқинда бўлиб ўтган республика семинар кенгашида таъкидланганидек, уларни бу борада амалга оширилиши лозим бўлган масъулиятли вазифалар кутмоқда. Яқин йиллар ичида фарзандларимизни ёзги мавсумда чиниқтириш билан боғлиқ масалалар ўзининг янги босқичига кўтарилади.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА**

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

***Тошкент шаҳрида 10-11 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтади. Саммит очилиши олдидан кенг кўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилди.***

# МАТБУОТ МАРКАЗИ АНЖУМАНГА ТАЙЁР

Саммитнинг бош форумини ёритишда Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Мўғулистоннинг турли оммавий ахборот воситаларидан уч юзга яқин вакил, қарийб 200 нафар маҳаллий журналист қатнашади.

ШҲТнинг халқаро майдондаги аҳамияти ва нуфузи юксалиб, фаолияти самарадорлиги изчил ошиб бораётгани жаҳонда катта қизиқиш уйғотмоқда. Тошкент саммитини нафақат мазкур ташкилотга аъзо, кузатувчи, меҳмон сифатида таклиф этилган давлатлар, балки кўплаб бошқа мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, нуфузли халқаро нашрлар, йирик ахборот агентликлари ва телеканаллар вакиллари ҳам ёритиб бориш истагини билдиргани бунинг далилидир.

Саммит доирасидаги тадбирларни кенг, сифатли ва тезкор ёритиш учун «Ўзэкспомарказ»да барча қулайликларга эга халқаро матбуот маркази ташкил этилди. Саммит кунлари журналистлар иш олиб борадиган ушбу марказ энг юксак талабларга жавоб берадиган замонавий техника — электрон намойиш стендлари, Set-top-box, оптик-толали ва мобиль алоқа воситалари билан жиҳозланган. Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси ва саммитнинг бошқа тадбирларидан хост-бродкастинг шаклида телевизион трансляция ташкил қилинади, ЎзА томонидан ШҲТ форумининг асосий воқеалари фото-хостинги очилади.

Марказда саммит арафасида ва анжуман бўлиб ўтадиган кунлар журналистларнинг тўлақонли ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароитлар яратилган.

**(ЎзА)**

■ ТАБИАТ ВА БИЗ

*Табиатни бежиз онага қиёс этишмайди. Боиси, ейдиган таомимиз, киядиган кийимимиз ва жамики эҳтиёжларимизни бекаму кўст қондирадиган бирдан-бир манба — бу табиатдир. У ҳам меҳрибон волидамиз каби сўраганимизни беради, истаганимизни муҳайё этади. Шунинг учун ҳам табиатни асраб-авайлаш, у туҳфа этадиган ноз-неъматларни оқилона тасарруф этиш, ер усти ва ер ости бойликларидан унумли фойдаланиш инсоният олдида турган энг долзарб масалалардан биридир.*

# Ягона сайёра — ягона келажак

Афсуски, ҳар доим ҳам бунга етарли эътибор бераверамиз. Оқибатсизлик, бефарқлик, эртани ўйламаслик ҳамда турли манфаатлар йўлидаги кўз кўриб қулоқ эшитмаган тажовузкорона хатти-ҳаракатлар экологиянинг бузилишига олиб келяпти. Натижада табиат, бугун барчамиз кўриб, ҳис қилиб турганимиздек инсондан ўч олишни бошлади. Табиий иқлим ўзгаришлари, ер силкиниши, сунами ва вулқонларнинг фаоллашуви, Антарктидадаги мангу музликларнинг эрий бошлагани — буларнинг барчаси яқин келажакда инсоният қандай хавф-хатарлар остонасида турганидан огоҳ этмоқда.

Шу боис бундан 38 йил муқаддам, 1972 йил 5 июнда Стокгольм шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳитга бағишланган конференциясида Бутунжаҳон атроф-муҳит кунини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Ва мазкур қарорда халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига ҳамда глобал экологик инқирознинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишга қаратиш назарда тутилганди.

3 »

■ АНДИЖОН ТАЖРИБАСИ АМАЛДА

# ҚАЛБЛАРДА ИФТИХОР ВА ШУКРОНА ҲИССИ

***Мамлакатимиз талаба-ёшларининг спорт мусобақаси – "Универсиада-2010" ўйинлари якунига етган бўлса-да, Андижонда ҳамон байрам шукуҳи кезмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг мазкур спорт байрами арафасида вилоятимизга ташрифи, Андижон ва андижонликлар ҳақидаги самимий сўзларидан қалбларга кўчган кўтаринкилик ва ифтихор қирғоқ билмас тўлқинлардек мавж урмоқда.***

Андижон меҳнаткаш, ташаббускор, ширинсухан эли, серхосият тупроғи, кўксида Ватан ғурурини баланд тутган шоирлари, миришкор деҳқонлари-ю спорт бўйича жаҳон чемпионлари, Ўзбекистон автомобилига бешик бўлган Асакаси билан машҳур.

Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш мақсадида ўтган йили Асака, Олтинкўл ва Шаҳрихон туманларида замон талаблари асосида олтмишта намунавий уй қурилиши бошланган эди. Қисқа вақтда қад ростлаган, электр тармоқлари, ичимлик суви, табиий газ билан тўлиқ таъминланган, кўрса кўз қувонадиган янги уйлар шу йилнинг май ойида ўз эгаларига топширилди.

2 »

# МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ

## унинг раҳбар фаолиятидаги аҳамияти

*Масъул раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлашда ўтказиладиган суҳбат жараёнида уларнинг профессионал малакаси, билими, ташкилотчилиги, ҳаётий тажрибаси, инсоний фазилатлари билан бир қаторда маънавий савиясига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.*

**Ислом КАРИМОВ**

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, барча жабҳаларда бўлгани каби маънавият соҳасида ҳам туб ислоҳотларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида маънавият соҳасига биринчи марта давлат сиёсати даражасида жиддий эътибор қаратилиб, қўлам ва миқёси жиҳатидан ниҳоятда улкан ишлар қилинмоқда. Буни бугун нафақат ўзимиздагилар, балки узоқ-яқин хорижий давлатлардагилар ҳам кўриб, билиб туришибди. Улар мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат ва у келтираётган самараларни ўрганиш ўзлари учун ҳам фойдали бўлишини таъкидлашмоқда. Бунинг исботини яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг навбатдаги йиллик йиғилиши иштирокчилари томонидан билдирилган фикрларда ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатимизда эришилаётган бундай муваффақиятларда, ҳеч шубҳасиз, Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг илк давридаёқ миллий анъана ва қадриятларимиз ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган ва йўлга қўйилган бошқарув тизими ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда миллий менталитетимизга хос мулоқот маданияти алоҳида ўрин тутади.

Аввало, мулоқот, мулоқот маданияти тушунчалари хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Мулоқот (арабча лақия — учрашмоқ) учрашув, сўзлашув, мунозара, музокара, мубоҳаса маъноларини англатиб, икки ёки ундан ортиқ кишилар гуруҳи ўртасидаги ўзаро фикр алмашиш, суҳбатлашиш шаклини ифодалайди. Мулоқот мубоҳаса, мунозара, муомала, мужодала каби муқобил вариантларга эга бўлса-да, умумий жиҳатга кўра улардан фарқ қилади.

Мулоқот шахслараро муносабатлар ва ўзаро таъсирнинг алоҳида шакли бўлиб, бир-бири билан боғлиқ учта жараённи ўз ичига олади. Булар — одамлар ўртасидаги фикр алмашинув (коммуникатив жиҳати), одамларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиши (интерактив жиҳати) ва одамларнинг бир-бирини тушуниши (перцептив жиҳати). Мулоқот жараёнида одамлар нафақат фикр алмашади, айни пайтда бир-бирига таъсир кўрсатади ва бир-бирини тушунади. Бинобарин, мулоқот инсон ҳаётида энг муҳим ва мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланиб, киши ана шу жараёнда шахс сифатида шаклланади ва ўзлигини намоён этади.

Шу маънода, ҳар бир конкрет жараён мулоқотга киришаётган шахс олдига муайян бир вазифа қўядики, улар ҳар хил шароитда мулоқотнинг турлича ташкил қилинишига сабаб бўлади. Чунончи, ишхонада раҳбар билан ходимлар ўртасидаги мулоқот раҳбарларнинг ўзаро мулоқотидан фарқ қилиши табиий. Раҳбар билан ходимлар ўртасидаги мулоқот фанда вертикал йўналишдаги мулоқот дейилса, раҳбарлар ўртасидагиси горизонтал мулоқот, деб аталади.

Раҳбар билан унинг қўл остидагилар ўртасидаги мулоқот фанда «Бошқарув мулоқоти» деб юритилади. Бошқарув мулоқоти раҳбар ва кишиларнинг ўзаро оғзаки ва ёзма нутқ орқали таъсир шаклларидан бири бўлиб, у туфайли индивид ва жамоалар маънавий жиҳатдан бир-бирларини англайди, тушунади. Одамлар бир-бири билан алоқа қилмасдан, ўзаро маънавий, руҳий мулоқот ўрнатмасдан меъёрий ҳаёт кечира олмаганидек, агар у бўлмаса, кишилар тажриба алмашиб, меҳнат ва турмуш кўникмалари билан ўртоқлашишдан ҳам маҳрум бўлади.

Бошқарув бу бошқа одамларнинг меҳнатидан, интеллекти ва хулқ-атвори, характери жиҳатларидан фойдаланган ҳолда қўйилган мақсадларга эришиш кўникмасидир. Бошқарув мулоқоти деганда, одамларга раҳбарлик қилиш мақсадида улар билан муомалага киришиш назарда тутилади. Раҳбар ўз қўли остидаги ходимлар билан асосан уч хил мақсадда бошқарув мулоқотига киришади: а) буйруқ, кўрсатма бериш, ниманидир таклиф қилиш, маслаҳат бериш учун; б) топшириқ бажарилгани ҳақида қайтар «маълумот» (назорат қилиш мақсадида) олиш учун; в) ходимлар топшириқни қандай бажарганини баҳолаш учун.

Топшириқ бериш, ижрони текшириш ва бажарилган ишга баҳо бериш бу аслида раҳбарнинг ўз қўл остида ишлайдиган ходимлар билан бўладиган бошқарув мулоқотининг энг муҳим қисми ҳисобланади. Афсуски, бошқарув мулоқотининг мана шу уч кўринишига жиддий эътибор қилмайдиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Яъни, баъзан топшириқ беради-ю, унинг ижросини назорат қилмайди, баъзан эса бажарувчини рағбатлантириш ёки танбеҳ беришни унутади.

Аксар ҳолларда раҳбарлар шу уч вазифадан биринчисига кўпроқ эътибор қаратишади. Бошқарув мулоқотининг дастлабки вазифаси ходимлар фаолияти самарасига энг кўп таъсир қилиш эканини инобатга олсак, топшириқнинг қандай берилиши ижро сифатини белгилаши аён бўлади. Яна бир жиҳат шундаки, раҳбар билан ходим ўртасидаги иш жараёнида кузатиладиган зиддиятлар, одатда, бошқарув мулоқотининг айнан шу босқичида, яъни топшириқ бериш жараёнида содир бўлади. Чунки айнан шу босқичда раҳбар ходимга ўзининг илк таъсирини ўтказади, унинг хулқ-атворига таъсир қилади.

Мулоқот ҳамиша томонларнинг ўзаро қизиқишини тақозо қилиши билан самаралидир. Акс ҳолда, алоқалар осонликча узилади. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, томонлар мулоқотида умумий қизиқиш йўқ, бироқ ажралиш — алоқани узиш мумкин эмас. Бундай ҳолатда, одатда, муносабатлар деструктив характер касб этади.

Иш юзасидан бўладиган мулоқотлар фақатгина расмий доиралар билан чекланиб қолмайди. Чунки бошқарув соҳаси ходимлари омма билан, турли даражадаги раҳбарлар билан ишлар экан, улар билан тез-тез мулоқотга киришиб туришга мажбур. Расмий тарзда амалга ошириладиган мулоқот эса мулоқот ҳақидаги қоидаларга асосан белгиланган вақтдан олдин келишиб олинади. Бундай мулоқотларга тайёргарлик суҳбатдош ҳақида умумий маълумотларни тўплашдан бошланади. Яъни, унинг жамиятдаги мавқеи, сизнинг ҳаётингиз ва иш фаолиятингизга таъсири, қандай инсон ҳамда интилиши ва маслаги нималардан иборат каби саволларга жавоб топиш мулоқотнинг натижасини белгилайди.

— Раҳбар, — дейди Президент Ислом Каримов, — энг мураккаб, энг мушкул вазиятларда ҳам одамларни кўндириш, уларни баъзи бир ножўя ишлардан, хатти-ҳаракатлардан қайтариш ва жамоада, туман ёки вилоятда соғлом вазият, соғлом иқлим барпо эта олиш салоҳиятига эга бўлиши даркор.

Дарҳақиқат, бугунги замон раҳбардан ўз соҳасининг билимдони бўлиш билан бирга, бошқалар билан осонликча мулоқотга киришиш, кишиларни ўзига ишонтириш ҳамда уларда яхши таассурот уйғота олиш қобилиятига эга бўлишни ҳам талаб этмоқда.

**Камолиддин РАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси**

# ҚАЛБЛАРДА ИФТИХОР ВА ШУКРОНА ҲИССИ

*(Бошланиши 1-бетда.)*

Юртбошимиз Олтинкўл туманидаги "Иттифоқ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган ана шундай замонавий уйларни кўздан кечириб, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, инфратузилмани кенг ривожлантириш одамларнинг онгу шуурини, дунёқарашини ўзгартириб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашини, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказиш учун, аввало, фарзандларимизга муносиб шароит яратиб беришимиз кераклигини алоҳида таъкидлади. Бу таъкид ҳар биримизни бунёдкорликка, маҳалламиз, қишлоғимиз, юртимиз ободлиги йўлида камарбаста бўлишга, бир сўз билан айтганда, ёниб яшашга даъват этади.

«Иттифоқ" маҳалласининг фаолларидан бири Умидахон Эгамова хотин-қизларни хусусий секторга кенг жалб қилиб, салоҳиятини намоён этиши учун яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган, меҳнатдан бахт топганлардан.

— Президентимизнинг 2007 йили Асака шаҳрида вилоят фаоллари билан учрашувида мен ҳам иштирок этгандим, — дейди Умидахон мамнунлик билан. — Ўшанда Юртбошимизнинг андижонликлар ҳақидаги самимий сўзлари барча қатори мени ҳам руҳлантириб юборди. Янада катта куч, шижоат билан ишлашни, миришкор деҳқонлар юрти бўлмиш Олтинкўлнинг Сиёсатхон Абдуллаева, Тоҳиржон Режабов, Асалхон Расулова каби фермерларидек пешқадамлар сафига киришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйгандим. Чин дилдан ният қилган армонда қолмас экан. Эл-юрт равнақига хизмат қилиш олий саодат эканига қайта-қайта иқрор бўлмоқдаман.

Андижон вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли Болалар шаҳарчасини мамлакатимизда ёш авлодга кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси сифатида мисол келтириш мумкин. Бу ердаги ўн саккизта оила учун барча қулайликлар яратилган бўлиб, жами 112 болажон тарбияланмоқда. Улар дарсдан бўш вақтларида шаҳарчадаги сузиш ҳавзаси, бокс, гимнастика заллари ва стадионни ўз ичига олган спорт мажмуасида, адабиёт, мусиқа ва рақс, рассомлик, тикувчилик, зардўзлик тўгараклари машғулотларида қатнашадилар.

Давлатимиз раҳбари мазкур шаҳарчада бўлиб, болажонлар билан суҳбатлашаркан, уларнинг ўқиши, орзулари билан қизиқди. Қувонч ва ҳаяжондан кўзлари ёниб турган бу болакай ва қизалоқларнинг мурғак дилларида кечаётган мусаффо ҳисларни англаш қийин эмас. Шаҳарчада яшовчи ўн бир ёшли Ирина Патаенко ана шу ҳисларини қоғозга туширишга ҳам улгурибди. Дунёда энг бахтиёр қиз эканини шеърий сатрларда болаларча самимийлик билан эътироф этган бу қизалоқ рақс, тикувчилик ва бадиий гимнастика билан шуғулланади. Қувонарлиси, шаҳарчадаги ҳар бир ўғил-қиз иқтидори ва салоҳиятига кўра қизиқарли машғулотларга жалб қилинган.

Андижоннинг эски шаҳар ҳудудидаги янгича қиёфа касб этган марказий кўчаларидан бири "Ўзбекистон" деб номланади. Андижон мамлакатимиздаги аҳолиси зич ҳудуд экани инобатга олиниб, Юртбошимизнинг тавсиясига мувофиқ, ушбу кўчанинг икки томонидаги эллик-олтмиш йиллар аввал қурилган пастқам, кўримсиз турар-жойлар ўрнида замонавий архитектура асосида кўп қаватли уйлар барпо этилди.

Шу кўчага йўлим тушганида, замонавий қурилиш материалларидан қад ростлаган, ўзига хос дизайндаги кўркам иморат эътиборимни тортди. Суриштириб билсам, йигирма олти ёшли тадбиркор Баҳодир Мадаминов қурган экан бу иморатни. "Дастлабки харажатларни оилавий жамғармамиз ҳисобидан қопладик, кейинроқ банкдан кредит олдик, — дейди Баҳодир. — Биринчи қаватнинг бир қисмида электротехника моллари ва яна бир қисмида кийим-кечак дўкони бўлади. Иккинчи қават дарпардалар дўкони ва офис учун, учинчи қават эса оилавий яшашимиз учун мўлжалланган".

Мана шундай бунёдкорлик ишлари натижасида кун сайин чирой очиб бораётган "Ўзбекистон" кўчасида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спортнинг стол тенниси, шахмат-шашка турлари, компьютер ҳамда ҳунармандчилик бўйича ўқув марказлари ишга туширилмоқда. "Ўттиз беш йилдан буён новвойлик қиламан. Бугунги ўзгаришлардан, янгиланишдан барча маҳалладошларимиз қатори бизнинг оиламиз ҳам хурсанд. Шаҳримизнинг Бобур, Мустақиллик кўчаларидаги орасталикка ҳавас қилардик. Энди бизнинг кўчамиз ҳам улардан қолишмайди," — дейди "Ўзбекистон" кўчасида яшовчи Абдуқаҳҳор ака Маматқулов.

"Универсиада-2010" мусобақалари олдидан Андижон шаҳрида улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Мусобақалар ўтказиладиган барча объектлар замон талаблари асосида таъмирланди. Жумладан, Андижон давлат университети, қишлоқ хўжалик институти, чет тиллар институти, тиббиёт институти, Олимпия захиралари спорт коллежи янгича қиёфа касб этди. Мавжуд спорт заллари таъмирдан чиқарилди ҳамда зарур спорт жиҳозлари билан таъминланди.

"Ўқув юртлари ҳудудларида эътибордан четда қолган, бир қарич ҳам қаровсиз ерни кўрмадик... Ўқувчи ва талаба-ёшлар учун ётоқхоналарда яратилган қулайликлар меҳмонхона шароитларидан ҳам зиёда", — дейишди баркамоллик ва спорт байрами арафасида пойтахтимиздан ташриф буюрган ижодкор дўстларимиз. Мана шундай пухта тараддуд Универсиада мусобақаларининг юқори савияда ўтишида муҳим омил бўлди, албатта.

Бундан етти йил олдин Андижон уч босқичли спорт ўйинларидан бири — "Баркамол авлод" мусобақасига мезбонлик қилган эди. Шу муносабат билан барпо этилган Олимпия захиралари спорт коллежининг "Соғлом авлод" стадионида Юртбошимизнинг "Буюк давлатни фақат соғлом авлодгина қура олади", деган сўзлари битилган. Бу ҳақиқат Универсиада тантаналари давомида ҳар бир дилда яна ва яна баралла янгради!

Уйғониш фаслининг илк палласиданоқ вилоятимиздаги шаҳар ва туманларни туташтирувчи йўлларда, маҳалла ва қишлоқларда, гузар ва хонадонларда, ташкилот ва муассасаларда ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш юмушлари авж олади. Афғонистонлик ёзувчи Абдулла Рўйин шу йилнинг баҳорида бир гуруҳ ижодкор дўстлари билан Андижонда меҳмон бўлганида, бу манзарадан ажабланиб: "Жуда кўп шаҳарларда, Ғарбу Шарқнинг ривожланган давлатларида бўлганман. Аммо мени Андижоннинг ораста ва кўркамлиги, файзи ғоят ҳайратга солди. Қаёққа қарамай, одамлар гул экиш билан машғул, дарахтлар оқланган, кўчалар тоза, янги қурилишлар давом этяпти. Барчанинг юзида нур, шукроналик ифодаси. ...Қани эди менинг халқим ҳам шундай кунларни кўрса. Уруш билан эмас, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари билан банд бўлса...", деган эди. Ижодкор дўстимизга мустақиллигимизнинг илк йилларидан вилоятимизда "Андижонни обод ва кўркам вилоятга айлантирайлик!" шиори остида ўтказиб келинаётган фестиваль ҳақида сўзлаб бердим: туманлар ва шаҳарлараро ижодий беллашувлар, байналмилал, ҳамжиҳатлик руҳидаги халқ сайллари, меҳнат байрами тарзида ўтадиган бу тадбирнинг завқу шавқи, ғолибларга совға қилинадиган Асака автомобиль заводи машиналари... Суҳбатимиз беихтиёр ижодга кўчди. Президентимизнинг жорий йил 26 февралда қабул қилинган Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарори ижроси доирасида қалам аҳлига қаратилаётган юксак эътибор ва бунинг натижасида Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлимининг ҳам моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани, сўнгги русумдаги техника ва алоқа воситалари билан таъминлангани, бўлимнинг алоҳида интернет портали ва веб-сайтлари ташкил этилгани хусусида гапирдим...

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси замон талаблари асосида ривожланиб бормоқда. Хусусан, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий савдо шохобчалари ҳамда мажмуалари қурилиб, аҳолининг узоғини яқин қилаётир.

Хўжаобод туманида бунёд этилган, йигирмадан зиёд савдо дўкони, минибанк ва дорихонани ўз ичига олган мажмуада юқори сифатли сервис ва хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Юртбошимиз ушбу савдо мажмуаси фаолияти билан танишиш жараёнида билдирган фикрлари асосида, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, савдо мажмуалари янада кенгайтириладиган бўлди.

Давлатимиз раҳбари Андижоннинг бугунги қиёфасига разм солар экан, андижонликлар улкан ишларни амалга оширмоқда. Бу мард, танти, ташаббускор, яратувчан халқнинг тажрибасини, бугунги кўтаринкилигини барча вилоятлар вакиллари келиб кўрсин, ўргансин, тажриба алмашсин, деган сўзлари андижонликларнинг кучига куч, руҳига руҳ қўшди, кўнгли тоғдай кўтарилди. Менинг кечинмаларим эса шеърга тўкилди:

*Юксак эътибор бу, қутлуғ, ташаккур,*
*Аҳли Андижондан улуғ ташаккур!*
*Падардек мўътабар бузрук, ташаккур!*
*Ишонгандан жаҳонга бўйлагай диёр,*
*Ватан ҳаққи, Сизни қўллагай диёр!*

Қилинган меҳнат эътибор ва эътироф, қадр-қиммат топса, янги шижоат ва матонатга бевосита пайванд бўлиб кетади. Худди шундай, бугун андижонликлар ҳам интилишдан, бунёдкорлик ва яратувчанликдан асло чарчамайдилар.

**Хуршида КЎЧҚОРОВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлими раҳбари**
**(ЎзА)**

### Қувончли кунлар яқин

Давлатимиз раҳбарининг "Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Бухоро вилоятининг 11 туманидаги 19 та массивда 540 хонадонга мўлжалланган намунали турар жойлар қад ростлади. Бунинг учун "Қишлоқ қурилишбанк" ОАТБнинг вилоят филиали томонидан 20 миллиард 300 миллион сўм атрофида кредит ажратилган эди. Бунёд этилган янги уйларда айни пайтда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида янги уй-жойлар ўз эгаларига тантанали равишда топширилади.

**Шавкат НОСИРОВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

### Ёрдамчи тармоқлар ривожланмоқда

«Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖнинг Хоразм вилоят ҳудудий акциядорлик жамияти кейинги даврда ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераяпти. Хусусан, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш бош вазифа қилиб қўйилган. Ҳозирда акциядорлик жамиятининг туман филиаллари тасарруфида кўплаб паррандалар парвариш этилаяпти. Яқинда уларга яна 20 минг бошдан зиёд парранда етказиб берилди.

Бу эса жамоа аъзоларига арзон нархда парҳез гўшт, тухум етказиб бериш имконини яратмоқда. Масалан, шу кунгача тизимда ишловчи ходимларга қарийб 4 минг килограмм, яъни 17 миллион сўмлик парҳез гўшт, 8 минг дона тухум тарқатилди. Бу борада Гурлан тумани филиали энг пешқадамлардан ҳисобланади.

— Айни пайтда паррандачилик фермамизда 2 минг бошдан зиёд парранда боқилмоқда, — дейди Гурлан туманидаги ҳудудий акциядорлик жамияти раиси Қаландар Рўзиматов. — Шундан 400 боши голланд зотига мансуб бўлиб, бу зот тез ривожланиб кўп маҳсулот беради. Яқин вақт ичида балиқчиликни, асаларичиликни ҳам йўлга қўйиш ниятидамиз.

**Тузалбой РАҲИМБОЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

### Божхона брокери — ишончли кўприк

Ўзбекистон божхона қўмитасида божхона брокерлари ва божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар томонидан соҳага доир қонунчиликка риоя этилишини таҳлил этишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Давлат божхона қўмитаси марказий аппарати, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти божхона бошқармалари, "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси, Олий ҳарбий божхона институти, Божхона брокерлари уюшмаси раҳбар ходимлари ҳамда Тошкент ҳудудида фаолият юритиб келаётган божхона брокерлари ва божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар иштирок этган тадбирда соҳада йўл қўйилган камчилик ҳамда хатолар натижасида судларда кўрилаётган низо предметлари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида божхона брокерлари, мутахассислар мунозарали масалалар бўйича Давлат божхона қўмитасининг масъул ходимларидан ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан жавоблар олдилар.

**Шерали ЭШПЎЛАТОВ**

### Кино-телекоммуникация: табиати ва таркиби

Яқинда "Ўзбеккино" Миллий агентлигида Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети ўқитувчилари ва талабаларининг "Кино-телекоммуникация: табиати ва таркиби" мавзусидаги илмий мақолалар тўпламининг IV жилди бўйича тақдимот ўтказилди. Киношунос олимлар, режиссёрлар, ёш тадқиқотчилар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган мазкур тақдимотда таниқли режиссёрлар, санъатшунос олимлар сўз олиб, мазкур тўплам келажакда ҳар жиҳатдан пухта кинолар яратилишига асос сифатида хизмат қилишини таъкидладилар.

— Бугунги кунда мамлакатимизда яхши фильмлар яратилаяпти, деб айта оламиз, — деди санъатшунос олим Шуҳрат Ризаев. — Аммо бу тўплам янада зўр фильмлар яратилишига асос бўла олади, деб ўйлайман. Зеро, бизга бир марта кўриладиган, енгил-елпи кинолар эмас, халққа етиб борадиган, тафаккурини ўстирадиган фильмлар керак.

Тақдимот қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди.

**Камола МИРАМИНОВА**

### Вилоят ҳокими журналистлар билан учрашди

Сирдарё вилоятида республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида хизмат қилаётган журналистларнинг меҳнатлари муносиб қадрланмоқда. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами олдидан вилоят ҳокимлигида бир гуруҳ журналистлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими воҳа ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган янгиликлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳамда республика нашрларида воҳа ҳаётининг ёритилишига катта эътибор қаратиш лозимлиги хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир якунида бундай самимий учрашувлар тез-тез ўтказилишига келишиб олинди.

**Анорбой НОРҚУЛОВ**

### Талабалар чекинга қарши

Урганч шаҳар тадбиркорлик ва компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида ўқув юртининг биология фани ўқитувчилари ташаббуси билан "Соғлом турмуш — баркамол авлод пойдевори" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда «Соғлом авлод» жамғармасининг вилоят бўлими раҳбари С.Ражабова, ота-оналар, маҳалла фаоллари, тиббиёт ходимлари қатнашди.

Ўқитувчиларнинг тамаки ҳақидаги қизиқарли маърузалари, талабалар томонидан намойиш қилинган саҳна кўринишлари, шунингдек, чекишнинг зарари ҳақида буюк алломаларнинг доно ўгитларига бағишланган ўзаро савол-жавоблар барчага манзур бўлди.

Тадбир сўнггида ёшлар саҳнага яшил алвонларга ёзилган шиорлар билан чиқиб, барча тенгдошларини унга амал қилишга чорлади ҳамда жўр овозда «Соғлом юртга соғлом фарзанд бўлайлик» қўшиғини куйланди.

**Назокат ХЎЖАЕВА,**
**Урганч шаҳар тадбиркорлик ва компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси**

ХАБАР

***Яқинда қабул қилинган "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни барча адлия тизими, жумладан, суд-экспертизаси билан шуғулланувчи ходимлар томонидан мамнуният билан кутиб олинди, десак, янглишмаймиз. Чунки ҳозирга қадар суд-экспертиза фаолияти асосларини белгилайдиган ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат амалда мавжуд эмас эди. Бошқача айтганда, шу пайтгача бу йўналишдаги фаолият юртимизда суд-экспертизасини ҳуқуқий тартибга солиш, алоҳида турдаги суд ишларини юритиш тўғрисидаги процессуал қонунлар ва идоравий-меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилиб келинарди.***

# Суд экспертизаси тизимида муҳим янгилик

Хусусан, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодекслари асосан тегишли алоҳида жараёнларга қаратилган бўлиб, уларда суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказишга оид масалалар тартибга солинган эди, холос. Уларда соҳа фаолияти учун принципиал аҳамиятга эга бўлган бир талай масалалар: суд экспертизасининг умумий тушунчалари, суд экспертлик фаолиятининг принциплари, суд экспертлик фаолиятининг ташкилий, молиявий, ахборот билан таъминлаш масалалари, экспертнинг ижтимоий статуси ва бошқа муҳим томонлари ўз аксини топмаган эди.

"Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши эса мустақил демократик давлатнинг ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга қаратилган муҳим қадам бўлди. Қонун илк бор суд-экспертлик фаолияти тушунчаси, унинг принциплари, шу жумладан, суд-экспертининг мустақиллиги ва унинг хулосаси холислиги билан боғлиқ долзарб масалалар тартибга солингани ҳамда мамлакатимизда суд-экспертлик фаолияти барча жиҳатларининг ҳуқуқий асосларини қамраб олгани билан ҳам аҳамиятга молик.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни процессуал қонунларнинг суд-экспертиза ўтказиш масалаларини такомиллаштиришга қаратилди.

Куни кеча Адлия вазирлигининг мажлислар залида шу масалаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда вазирлик, тизимга кирувчи муассасалар, жумладан, Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази ходимлари, ҳудудий адлия бошқармаларининг ҳуқуқий тарғибот бўйича мутахассислари ҳамда республика оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

— "Суд экспертизаси тўғрисида"ги қонун 5 та боб ва 33 та моддадан иборат бўлиб, у юртимизда суд экспертизасининг динамик ривожланиши, экспертлик тадқиқотларининг жаҳон андозаларига мос келадиган, замонавий илмий даражада ўтказилиши учун шароит яратиб беришига шубҳа йўқ, — деб таъкидлади тадбирда сўз олган Республика суд-экспертиза маркази раҳбари Саттор Отахўжаев.

Тадбирда қонундаги барча моддаларга тажрибали мутахассислар томонидан шарҳлар берилди ҳамда журналистлар томонидан берилган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**И.АБДИЕВ**

# ЯГОНА САЙЁРА — ЯГОНА КЕЛАЖАК

*(Бошланиши 1-бетда.)*

Бир неча йилдан буён дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам шу куни жамоат ташкилотлари вакиллари, фан, маданият, санъат арбоблари, ёшлар иштирокида катта байрам тадбирларининг ташкил этилиши анъанага айланган. Мазкур тадбирлар аҳоли кенг қатламини она табиатга меҳр уйғотиш, уни ҳозирги ҳолатда сақлаб қолишга ўз ҳиссасини қўшишга ундаш орқали экологик маданиятни ўстиришга хизмат қилмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон экологик ҳаракати "Gazamir-Pro" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида байрам тадбири ўтказилди. Тадбир доирасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида сўз олган Экоҳаракат матбуот гуруҳи раҳбари Тожиддин Қамаров, Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Борий Алихоновлар ер юзининг бирор жойида Ўзбекистонда бўлганидек тўрт фасл тароватини, гўзаллиги ва малоҳатини учратиш қийинлигини, аммо бугун фақатгина жаннатмонанд ўлкамизнинг табиатига мафтун бўлиб боқишнинг ўзи кифоя қилмаслигини, бу бойликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш лозимлигини таъкидладилар. Шунингдек, ёшларнинг экологик тарбиясини кучайтириш мақсадида "Булоқча" ("Родничок") экологик журнали нашр этилаётгани, мазкур нашр келажакда болалар тарбиясида муҳим ўрин тутиши, ёш авлодни она табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган манба бўлиши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишди.

Тадбир якунида "Тонг юлдузи" газетаси таҳририяти билан биргаликда мактаб ўқувчилари ўртасида эълон қилинган "Онажоним — табиат" иншолар танловига якун ясалиб, ғолибларга эсдалик совғалари топширилди. Бундан ташқари, экожурналистика бўйича 2010 йил учун республика танлови эълон қилинди.

Матбуот анжумани якунлангач, иштирокчилар пойтахтимиз марказида барпо этилган Ўзбекистон Экологик ҳаракати боғининг очилиш маросимига ташриф буюришди.

Маълумки, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ўтган қисқа давр мобайнида миқёси жиҳатидан жуда катта ишларни амалга оширди. Хусусан, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, мамлакатимизда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини кенгайтириш, ўсимлик ва ҳайвонот генофондини асраб-авайлаш мақсадида илк бор Сирдарё вилоятида 19 гектар майдонга қарийб 5000 тупдан ортиқ мевали ва манзарали кўчатлар ўтказилди. Бу тажриба айни пайтда бутун республика миқёсида амалга оширилаяпти. Тадбирда барпо этилган ва этилаётган Экобоғлар келгусида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этиб, мамлакатимиз аҳолиси маданий ҳордиқ чиқарадиган масканлар бўлиб қолиши алоҳида таъкидланди.

Шу куни пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номли Маданият ва истироҳат боғида ҳам Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижроси юзасидан ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Умумжаҳон атроф-муҳит кунига бағишланган байрам тадбири ташкил этилди. Тадбир давомида интерактив шаклдаги мусиқавий ҳамда интеллектуал танловлар, экология мавзусига оид фильмлар тақдимоти, танлов ғолибларини тақдирлаш маросими, шунингдек, эстрада хонандалари ижросида байрам концерти ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Ҳамробой Раззоқов, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Наримон Умаров, ПРООННинг мамлакатимиздаги доимий вакили Анита Нироди ҳамда Британия Кенгаши директори Стив Макналтилар сўзга чиқиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фақат маълум бир давлат ёки минтақанинг олдида турган масала эмаслиги, аксинча, бунга бутун дунё мамлакатлари бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилиши лозимлиги, акс ҳолда, кейин кеч бўлиши мумкинлиги ҳамда соҳага оид турли масалалар хусусида фикр билдиришди.

— Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2010 йил — «Халқаро биохилма-хилликни асраш йили» деб эълон қилингани боис жорий йилнинг 5 июни — Умумжаҳон атроф-муҳит куни «Турларнинг кўплиги: ягона сайёра — ягона келажак» мавзусида ўтказилди, — деди Н.Умаров. — Умумжаҳон биохилма-хиллик йили — Ер юзидаги ҳаётнинг асосий манбаи бўлмиш биологик хилма-хилликни софлигича сақлаб қолишга, уни қайта тиклаш ва кўпайтиришга аҳоли, айниқса, улғайиб келаётган ёш авлодни даъват этишга зўр имкониятдир. Жумладан, юртимизда Биологик хилма-хилликни сақлаш Миллий стратегияси ва ҳаракатлар режасининг тасдиқланиши бу соҳада улкан ишлардан бири бўлди. Мазкур стратегиянинг асосий вазифаларидан бири мамлакат умумий майдонининг 10 фоизга яқин қисмини қамраб оладиган ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг барқарор тизимини ташкил қилишдан иборат.

2004 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис томонидан «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилингани ва у ҳозирда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётгани ҳам соҳада амалга оширилаётган улкан ҳажмли ишлар учун ҳуқуқий асос яратилганидан далолатдир.

**Иномжон АБДИЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

## Таҳририятга хатлар

### Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари

Ўзбекистон, хусусан, Хоразм воҳаси жаҳон цивилизациясининг энг қадимги марказларидан бири ҳисобланади. Унинг бой тарихи Миср, Месопатамия, Хитой, Ҳиндистон ва Юнонистон мамлакатлари тарихи билан бир қаторда туриши мозийшунос олимлар томонидан аллақачон исботлаб берилган. Юртимизда ҳам маҳаллий ва хорижий олимларнинг ярим асрлик бетиним изланишлари туфайли асрлар қаърида қум ва чўллар бағрида яшириниб ётган ҳамда номнишонсиз йўқ бўлиб кетиш арафасида турган афсонавий Аёз қалъа, Гулдурсун, Маздаҳканд, Тошхирмон, Оқчахон, Қирққиз, Қалъажиқ, Хумбузтепа, Атурсшенд, Тупроққалъа каби қадимий обидалар халқимизнинг бебаҳо маданий меросига айланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманининг шимолий қисмида ястаниб ётган қум тепалигида 1995 йилдан бошлаб юртимиз археологлари ва австралиялик олима Алисон Беттс хоним (Сидней университети) ҳамкорлигида қазишма ишлари олиб борилмоқда. Қум тупроқ уюмлари остида мангулик қаърига кетган ушбу қалъа эрамиздан олдинги VI-IV асрларда бунёд этилгани аниқланди. Деворларнинг қалинлиги 4-5, баландлиги 8-9 метрлик ушбу ҳарбий иншоот шартли равишда "Хоразм мудофаа девори" деб аталди. Ҳозиргача топилган ашёвий далилларга асосланиб, Хоразм подшоси Фарасман (Харосман) мана шу даргоҳда яшаган, деб тахмин қилинмоқда.

Абу Райҳон Беруний "Хоразмликлар Жайҳун бўйларида 300 қалъа қурганлар", деб хабар беради. Ўтган минг йиллик тарихий давр жараёнида қор, ёмғир, бўрон, зилзила, дарё тошқини, шўрланиш, босқинчилик урушлари туфайли Хоразм қалъалари харобазорга айланган. Ҳозирда атиги тўртта қалъада ҳаёт давом этмоқда. Булар: Хива, Ҳазорасп, Хўжайли (Маздаҳканд), Қўҳна Урганч (Туркманистон ҳудудида) шаҳарларидир.

**Комилжон НУРЖОНОВ,**
**"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармасининг**
**Хоразм вилояти бўлими раиси**

### Кўз ёпларнинг боиси

Бу воқса 1970 йилнинг бошларида бўлган эди. Мактабимиз биноси жуда эски бўлиб, ёнидаги катта зовур узоқ йиллар қазилмай ётгани боис унда итбалиқлар жуда кўп бўларди. Бир куни синфимиздаги ўғил болалардан иккитаси "қитмирлик" қилиб, катта танаффусда қоғоздан идиш ясаб, ичига итбалиқ солиб бир синфдош қизимизнинг сумкасига жойлаб қўйишди. "Айтган йигит эмас" , — дея барча болалар келишиб олдик.

Қўнғироқ чалингач, дарс эмас, ғавғо бошланди. Синф раҳбаримиз ва мактабнинг барча раҳбарлари келишди. Директоримиз бу ишни ким қилганини аниқлаш учун ўғил болаларни доска ёнига саф қилиб, тутнинг новдаси билан савалай бошлади. Аммо ҳеч кимдан чурқ этган овоз чиқмасди.

— Ҳали сенлар калтак еб ўлсак ҳам айтмаймиз, деб қасам ичиб олганмисанлар? — деди директор қовоғини баттар осилтириб. — Унда бошқача йўлини топамиз. Ҳозир ҳаммамиз дуоибад қилиб юборамиз.

Бу сўзни эшитган заҳотиёқ синфдошимиз Муҳаммадамин:

— Мен, мен! Билмай қилиб қўйибман, жон домла, кечиринг, билмай қилиб қўйибман, — дея бошини эгиб кечирим сўрашга тушди.

Директорнинг кўзлари олайиб, бир важоҳати қўзғалди-ю, кейин:

— И-е, тўхта! Сен Абдураҳмон аканинг ўғли эмасмисан? — деди.

Муҳаммадамин тасдиқ ишорасини қилиб, бошини силкиди.

— Отанг бир хўплам сувни ҳам аввал ҳалоллигини текшириб олиб, кейин ичади-ку. Наҳот шундай ҳалол одамдан нобоп фарзанд дунёга келган бўлса?! Йўқ, бўлиши мумкин эмас.

Шу пайт ҳеч ким кутмаган иш содир бўлди. Директоримиз: "Баракалла ўғлим, калтакдан қўрқмадинг, аммо гуноҳдан қўрқаяпсан, фақат бундай бўлмағур қилиқларни энди такрорламагин!", — дея Муҳаммадаминнинг бошини силаб туриб, кўзларига ёш олди. Ўшанда директорнинг нега бундай қилганини ҳеч ким тушунмаган эди. Камина ҳам буни қирқ йил ўтгач, англаб етдим.

Одам нимага ташна бўлса, ўша нарсанинг дарагини эшитгач, юраги энтикиб, кўзларига ёш тўлиб кетар экан. Ватани қарам, миллати бегоналарга маънавий қул бўлиб, келажакда миллатнинг, Ватаннинг дардига малҳам бўлувчи фарзандларнинг вояга етиши интизорлик билан кутилаётган дамларда, улардан биттасининг учраб қолиши, ҳар қандай юракни қалқитиб, кўзлардан ёш тўка олар эди. У дамларда ҳамма атеист (худосиз) бўлиб, қишлоқларда ҳаром ва ҳалолнинг фарқига борадиганлар бармоқ билан санарли бўларди. Шундай муҳитда ўсаётган ўн икки яшар болакайнинг дўстлари қилган ишни ўз бўйнига олиб, уларни қарғишдан қутқариб қолиши шубҳасиз миллатнинг бахти бўлган.

**Турсунали ЮСУПОВ,**
*Фарғона вилояти*

### Соғлиқ учун хавфли

Тамаки чекишнинг хавфли томони шундаки, у фақат кашандага эмас, атрофдагиларнинг ҳам соғлигига салбий таъсир этади. Чунки турли зарарли моддалар инсон организмига тутун орқали киради. Никотин 7 сония мобайнида ҳамма аъзоларга қон орқали етиб боради. Бундан ташқари, қатрон (ялпи смола), никотин кислотаси, карбонат ангидрид ва бошқа моддалар турган-биттани зиёндир. Қатрон таркибидаги заҳарли моддалар сурункали бронхит ҳамда "кашанда йўтали" ва саратон касаллигини чақиради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда 20-25 ёшларда ҳар куни 9 дона сигарет чеккан киши ўз умрини 4,5 йилга, 10-15 дона чеккан одам эса 5,5 йилга қисқартирар экан. Тамаки чекувчи инсонлар бошқаларга нисбатан 8-15 марта кўпроқ ўпка инфизсмаси, 3-5 марта кўп аорта-қон томири кенгайиши хасталигига гирифтор бўларкан. Юракнинг турли ишемик касалликларига чалинувчанларнинг кўпчилигини кашандалар ташкил этади. Миокард инфаркти туфайли содир бўлган ўлим чекувчилар орасида чекмайдиганларга нисбатан 5 баробар кўпроқ учрар экан.

Инглиз физиологи Г.Кеннеди ва швед физиологи А.Хута тажрибалари натижасида чекувчи спортчиларда ҳаракат тезлиги чекмайдиган спортчиларга нисбатан 8-14 фоиз, кам бўлади, аниқлик реакцияси 16-21 фоиз, мускулларнинг аниқ ҳаракати 11-16 фоиз кам бўлиши аниқланган.

Шу боис ҳам жаҳонда чекишнинг олдини олиш ва тўхтатиш учун турли чоралар ишлаб чиқилмоқда. Психотерапия, шифокор билан маслаҳатлашиш, янги тиббий препаратлар, никотинга қарши чайнаш мосламаларидан фойдаланиш шулар жумласидандир.

**Нилуфар ЭРНАЗАРОВА,**
**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти доценти**

АДЛИЯ ИДОРАЛАРИДА

# НИКОҲ ШАРТНОМАСИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 5-боби эр-хотинларнинг мулкий-ҳуқуқий муносабатларини белгилаб беради. Эр-хотин мулкининг қонуний тартиби кўпчилик эр-хотинларни қизиқтирган саволларга жавоб беради. Аксарият аёллар фарзанд тарбиясини, уй ишларини муҳим ҳисоблаб, асосан уйда ўтирадилар. Бундай ҳолатда қонун аёлнинг умумий мулкдаги ҳиссасини белгилаб беради ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Йирик ишни амалга ошириш — фирма ташкил қилиш, савдо билан шуғулланиш моддий жиҳатдан катта харажатларни талаб қилади. Кейинчалик шулар орқали олинган даромад, орттирилган мол-мулк ана шу тадбиркор учун катта аҳамиятли бўлиб қолади. Эр-хотин мол-мулкининг бўлиниши, мулкнинг ҳуқуқий режими асосида амалга оширилиши тадбиркорлик билан шуғулланган томонга жуда ҳам ёқиб тушмайди. Бу ерда фақат ярмини олишни истамаслик ҳолатлари юзага келади. Чунки тадбиркорлик билан шуғулланиб пешона тери эвазига топган мулкнинг ярмини бошқа томонга бериб юборишни ҳеч ким хоҳламайди. Бундай ҳолатларда Оила кодекси эр-хотинларга ўзлари хоҳлаган ҳуқуқий режим яратиш имконини берувчи никоҳ шартномаси тузиш ҳуқуқини белгилаб қўйди.

Мазкур ҳужжат кўпгина муаммоларни ҳал қилиш ҳамда эр-хотинларнинг муносабатларини мустақил белгилаб олиш имконини яратди. У жамиятимиздаги ҳозирги ўзгаришларда жуда муҳим ҳужжат ҳисобланади. Албатта, ҳозирги вақтда никоҳ шартномасини тузаётган эр-хотинлар озчиликни ташкил қилмоқда. Бунинг сабаби, улар никоҳ шартномасининг қанчалик зарурлигини тушуниб етмаганлигидандир.

Никоҳ шартномасини тузишдан мақсад эр ва хотин ўртасида низо келиб чиқишининг олдини олишдан иборат.

Шу билан бирга, у мулкий муносабатларни тўғри тақсимлашда ҳар иккисининг келишуви билан тузилади. Никоҳ шартномаси масаласига кодексда 5 та модда ажратилган. Аммо бу тушунча мазмун-моҳияти билан анча кенг кўламни, кенг ижтимоий-маънавий жиҳатларни ташкил этади. Бизнинг мақсадимиз никоҳ шартномаси масаласини кенг оммага тушунтириш, унинг никоҳдагилар ҳаётидаги ўрни ва ролини белгилаш ҳақида фикр юритишдан иборат эди. Шундай бўлди ҳам. Ва якунда қуйидаги хулосаларга келиш ҳам мумкин бўлди.

***Биринчидан,*** никоҳ шартномаси — бу эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ёйнки у бекор қилинган тақдирда оила соҳибларининг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишувидир. Демак, никоҳ шартномаси фақат мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларга қаратилади.

***Иккинчидан,*** никоҳ шартномаси ҳуқуқий характердаги шартномалардан биридир. У эр-хотин томонидан имзолангач, шартнома тарафлари бир-бирлари олдида ўзаро ҳуқуқдор ва бурчдор ҳисобланади.

***Учинчидан,*** никоҳ шартномаси ҳуқуқий характердаги шартномалар туркумига мансуб бўлгани учун текинга тузиладиган шартномалар ҳисобланади.

***Тўртинчидан,*** никоҳ шартномаси томонлар имзолаган, нотариал тартибда гувоҳлантирилгандан сўнг юридик кучга эга бўлади. Мазкур шаклга риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас, деб топилишига олиб келади.

***Бешинчидан,*** никоҳ шартномасини тузиш «қачондир никоҳни бекор қиламиз, ўшанда низолар юзага келмаслиги учун мол-мулкимиз ҳақида келишиб олсак», — деганини билдирмайди. Балки ўртадаги мол-мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишни назарда тутувчи ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

***Олтинчидан,*** никоҳ шартномасининг тузилиши шу кеча-кундузда узундан-узоқ суд мунозараларига сабаб бўлаётган никоҳни бекор қилишнинг олдини олади.

**М.ОРТИҚОВА,**
**Бахмал туман ФҲДЁ бўлими мудири в/б**

ТАДБИР

***Халқимиз осойишталигини таъминлашга масъул бўлган баркамол ходимларни тарбиялащда Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг алоҳида ўрни бор.***

# Ҳуқуқий билимлар синови

Мазкур олий мактабда курсантлар ўртасида маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тадбирлар мунтазам равишда ўтказилади.

2010 йилнинг юртимизда «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телерадиоканали «Иқтидор» кўрсатуви ижодкорлари ташаббуси билан олий техник мактаби курсантлари ўртасида ўтказилган "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловини ҳам ана шундай ҳуқуқий мавзудаги тадбирлар сирасига киритиш мумкин.

Ушбу ўқув юртининг Сергели туманидаги маданият саройида бўлиб ўтган телевикторинада Ички ишлар вазирлиги ходимлари, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг профессор-ўқитувчилари ва курсантлари иштирок этишди.

— Мазкур кўрик-танлов курсантларимиз ўртасида доимий ўтказиб келинаётган маънавий-маърифий тадбирларимизнинг давоми бўлиб, бундан кўзланган мақсад-мактаб курсантларининг ҳуқуқий билимларини янада чуқурлаштириш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини ўзлаштиришдаги назарий билим ва кўникмаларини юксалтиришдан иборат, — дейди кўрик-танлов ҳайъати аъзоси, касбий фаолиятнинг ҳуқуқий асослари кафедраси бошлиғи, милиция майори М.Сувонқулов.

Қизғин ва муросасиз кечган кўрик-танловда 4-курснинг «Халоскор» жамоаси интеллектуал телеўйиннинг мутлақ ғолиби деб топилди.

**Ўктам ХОЛИҚОВ,**
**Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ходими, милиция капитани,**
**Мухлиса МУҲИТДИНОВА,**
**журналист**

БИЗ ВА ДУНЁ

# ЗАМОНАВИЙ ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ МЕЗОНЛАРИ

*Яқинда Италиянинг Перуджа шаҳрида халқаро журналистларнинг бутунжаҳон анъанавий фестивали бўлиб ўтди. Унга 4000 дан зиёд халқаро миқёсдаги журналистлар билан бир қаторда машҳур сиёсатчилар, жумладан, Американинг собиқ вице президенти Алберт Гор ҳам ташриф буюрди.*

*Динара ДЎЛТАЕВА ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультетида талабаларга дарс бериш билан бирга, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг жамоатчилик билан алоқалар бўлимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур йиғинда у ўзбекистонлик ёш журналист, Марказий Осиё бўйича ягона вакил сифатида иштирок этди. У билан суҳбатимиз айни шу фестиваль таассуротлари ҳақида бўлди.*

***— Халқаро анжумандан кўзланган мақсад нималардан иборат эди?***

— Энг асосий мақсад — дунё бўйича журналистика соҳасидаги ўзгаришлар, ютуқ ва муаммолар ҳусусида фикр алмашиш ҳамда истиқболдаги режаларни белгилаш эди. Фестивалда дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан келган журналистлар беш кун давомида ҳозир дунё аҳлининг диққат марказида бўлган интернет ва замонавий технологияларнинг журналистикага таъсири хусусида фикрлашдилар. Бора-бора матбуот ўз ўрнини интернет нашрларга бўшатиб беради, оммавий ахборот воситаси тушунчаси интернетдан фойдаланувчининг хусусий ахборот воситасига айланади, ўқувчилар ОАВ мазмунини ўзлари шакллантиради, деган мулоҳазалар давомли баҳс-мунозараларга уланиб кетди.

***— Асосан европалик иштирокчилар сизни — Марказий Осиёлик ягона иштирокчини қандай кутиб олишди?***

— Фестивалда Ўзбекистондан ҳам вакил қатнашаётганидан хурсанд бўлишди ҳамда мендан Ўзбекистон ҳақида, юртимиз журналистикаси, журналистик қадриятлар ва журналистика мактаблари ҳақида сўрашди. Умуман, анжуманда Ўзбекистонга унинг журналистикасига бўлган эътибор, қизиқиш қалбимда фахр туйғусини уйғотишдан ташқари масъулият ҳиссини ҳам юклади. У ерда юртимизда баркамол авлод тарбиясига берилаётган юксак эътибор ҳақида кўпроқ сўзлаб, ёшларимиз салоҳиятини намойиш этишга ҳаракат қилдим. Италия газеталари, радио ва телевидение вакиллари Ўзбекистонга катта қизиқиш билдириб, мендан интервьюлар олишди. Ўз навбатида мен ҳам инглиз тилида мақолалар ёзиб, фестивалнинг расмий веб-саҳифаларида чоп эттирдим.

***— Айтинг-чи, уларнинг журналистик дунёси билан бизнинг журналистикамиз ўртасида қандай тафовутлар сездингиз?***

— Айтишим керакки, мен халқаро журналистика факультетида таҳсил олганман. Бинобарин, халқаро майдондаги журналистик қадриятлардан ҳам яхшигина хабардорман. Шу нуқтаи назардан, қадриятлар жиҳатидан айнан бир хилликни кўрдим. Чунки профессионал мезонлар бир. Лекин техник таъминоти бироз устун. Ҳар битта журналист ҳатто қўл телефонидан фотолавҳали, кенг қўламдаги мақолаларини эълон қилиши мумкин. Ҳар бирида ноутбук бўлиб, воқелик ҳақида ўша жойнинг ўзида туриб ахборот узатиш имконига эга. Энг қизиқарлиси, ўқувчилар ҳам ўша ахборот тарқатилган заҳоти материалга аксадо билдиради ва воқелик нотўғри талқин этилса, уни ўзгартириб боради.

Эндиликда Европада масофа, вақт деган чекловлар ўз аҳамиятини йўқотмоқда, десам ишонаверинг. Шунинг учун ҳам Европа журналистикаси тезкор, шиддатли.

Анжуман ишида кўпроқ журналистиканинг келажагига эътибор қаратилди. Машҳур facebook.com сингари ижтимоий тармоқлар айни пайтда ахборот омборига айланиб бораётгани, инсонлар нафақат ўз ҳаётига, балки жамият ҳаётига оид янгиликларни айнан интернетдан олаётгани ва вақт ўтиши билан интернет ОАВ тизимида устунликни қўлга киритиб бориши ҳақида фикр юритилди.

***— Дунёнинг бир неча давлатларига борган ёш журналист сифатида ўзбек журналистикасининг ютуқ ва камчиликларини нималарда деб ўйлайсиз?***

— Ўзбек журналистикасининг ўзига хосликлари, қадриятлари ва ўз мактаби бор. Бу ҳақда ҳеч иккиланмай фахрланиб гапириш мумкин. Бир чет эллик профессор мендан "Ўзбек журналистикасининг устунлиги нимада?" деб сўраган эди. Шунда ўзим ҳам талабалик давримда камчиликлар ҳақида кўп ўйлаб, ижобий жиҳатларини излашга уриниб кўрмаганимни англагандим. Тасаввур қилинг, оппоқ деворнинг кичкина қора нуқтаси бўлса, эътиборимизни айнан ўша нуқта тортади. Мамлакатимиз матбуотида цензурага йўл қўйилмаслиги Конституциямизда қатъий белгилаб қўйилган. Лекин, айрим журналистларда ўзўзини цензура қилиш, ёзадиган мавзуси ҳақида ҳар тарафлама ахборот тўпламаслик ҳоллари учрайди. Бу каби тушунчаларнинг бартараф этилишига вақт керак, албатта.

Ўзбек журналистикасининг устунлиги шундаки, бизда сенсация ёки пул кетидан қувиш, бошқаларнинг шахсий ҳаётига ноқонуний аралашиш, папарацилар йўқ. Ғарб журналистикаси билан солиштирсак, бизнинг журналистларимиз фақат тезкорлик жиҳатдан бироз ортда, холос. Айтиш мумкинки, компьютер техникаси, фотоаппарат, камера ва ҳоказолардан унумли ва ўз вақтида фойдалана билмаслик бизнинг журналистикамиз сифатига таъсир кўрсатади.

***— Сизнингча соҳага доир камчиликларни тўғрилаш учун нималар қилмоқ зарур?***

— Журналистика — жамият кўзгуси. Жамиятнинг ривожланиш даражаси қандай бўлса, журналистика тараққиёти ҳам шунга яраша экани оддий аксиома. Фақат журналистика соҳаси кўзга яқин бўлгани учун кўп танқидларга учрайди. Ваҳоланки, мамлакат ривожлангани сари бу масалалар бирин-кетин ҳал бўлиб бораверади.

Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ҳамма соҳаларда ислоҳотлар олиб борилаяпти. Демак, яқин йилларда бизнинг қаламкашларимиз ҳам ғарблик ҳамкасблари билан ҳар томонлама бемалол рақобатлашиш имконига эга бўлади.

Бизнинг журналистикамизнинг ҳеч кимдан кам жойи йўқ. Фақат эскича ёндашув ва қолиплардан бутқул воз кечишимиз бироз қийин кечяпти, холос.

**Камола АЛИБЕКОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

НАШР

***Баркамол авлод тарбияси барча даврларда ҳам жамиятнинг долзарб масалаларидан бўлиб келган. Бугун биз баркамол авлод деганда ўтмишда ўтган буюк бобокалонларимиз эришган ютуқларини бевосита англаган, замонавий фан ва техника имкониятларидан эркин фойдаланиш кўникмасига эга ёш авлодни кўз олдимизга келтирамиз. Мана шундай ёш авлоднинг шаклланишида, ўз мустақил фикрига эга комил инсон тарбиясида ҳеч шубҳасиз, китоб катта аҳамият касб этади. Агар у муайян соҳа ёки йўналишга оид бўлса, унинг ривожига янада ижобий таъсир кўрсатади. Тарих фанлари доктори Назира Абдуазизованинг яқинда нашрдан чиққан "Тошкент матбуоти" рисоласи ана шундай китоблардан.***

## Ёш қаламкашлар учун қўлланма

Рисолада XIX аср ўрталаридан бошлаб то ҳозиргача бўлган Тошкентдаги матбуот нашрлари, матбаачилик ривожи ҳақидаги маълумотлар жамланиб, илмий тасниф этилган. Шунингдек, ҳар бир нашриёт, газета ва журналнинг тарихий аҳамияти, йўналишлари, маънавий-маърифий роли кенг ёритилган.

XX аср бошларидаги миллий уйғониш ғояларини тарғиб этган маърифатпарвар матбуот ҳалқимиз ҳаётида қанчалик ижобий ўзгаришлар, фикрий тараққиётга сабаб бўлганини яхши биламиз. Бу ҳаракатнинг маркази Тошкент эди."Тараққий" (1906), "Хуршид" (1906), "Тужжор" (1907),"Шухрат" (1907-1908),"Осиё" (1908),"Садои Туркистон" (1914) каби етакчи нашрлар ҳам Тошкентда фаолият олиб борган.

Туркистон маърифатпарварларининг етакчи намояндалари: Мунавваркори Абдурашидхонов, Абдулла Авлонийлар демократик йўналишдаги ўзбек матбуотини шакллантиришга катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг бой тажрибаси ва фидойилиги бугунги авлод учун ҳам ибрат мактабидир.

Шунингдек, рисолада матбуотимиз тарихи ҳақида тўхталиниб, истиқлол туфайли республикамиз матбуоти ва оммавий ахборот воситалари тараққиётида сифат жиҳатидан бутунлай янги ривожланиш босқичи бошлангани алоҳида таъкидланади.

Бугун журналистикамиз ўзининг ҳуқуқий асосига эга. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оммавий ахборот воситаларига доир алоҳида модда баён этилган. Конституциянинг 67-моддасида: "Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди..." Цензурага йўл қўйилмайди", дейилади. Қонун томонидан фуқароларнинг сўз ва эътиқод эркинлиги, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқлари билан таъминланганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, замонавий техника ва технологияларни бошқара оладиган, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни чуқур таҳлил этиб, миллий манфаатларимизга мос фикр юритишга қодир бўлган малакали журналист кадрлар тайёрлашда мана шундай рисолаларнинг ўрни алоҳида. Бундай рисолалар ёш журналистларимизнинг етук мутахассис бўлиб етишишида катта ёрдам беради.

**Бунёд АБДУЛЛАЕВ**

ЭЪТИРОФ

## Китобларга — халқаро мукофотлар

МДҲ мамлакатлари ношир ва матбаачилари ўртасида ҳар йили ўтказиладиган анъанавий «Китобат санъати» халқаро кўрик-танлови нуфузли тадбирлардан бири ҳисобланади. Москва шаҳрида бўлиб ўтган бу йилги еттинчи кўрик-танловда жюри эътиборига ўзига хос дизайн асосида безатилган турли ҳажмдаги 158 та китоб, альбом тақдим этилди.

Ушбу кўрик-танловда Ўзбекистон вакиллари 5 номинация бўйича совринли ўринларни қўлга киритгани ноширчилик соҳасида эътирофга молик воқеа бўлди. «Ҳамдўстлик» номинациясида «Маънавият» нашриёти томонидан Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали ҳамкорлигида тайёрланган «Қорақалпоқ фольклори» альбом-китоби биринчи ўринга лойиқ топилди. «Менинг Ватаним» номинацияси бўйича ўтказилган кўрик-танловда ҳам «Маънавият» нашриётининг «Ўзбекистон табиати» китоб-альбоми учинчи ўринни қўлга киритди.

Кўрик-танловнинг «Болалар ва ўсмирлар учун китоблар» номинациясида Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг «Жониворлар атласи: Ўқувчилар учун», «Менинг энг севимли биринчи энциклопедиям», «Болалар боғчаси учун севимли эртаклар» китоблар туркуми учинчи ўринни олди.

«Ҳамдўстликда чоп этилган» номинациясида «Санъат» журнали нашриётининг «Ўзбек тасвирий санъати антологияси» китоб-альбоми ҳам учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Халқаро кўрик-танловнинг энг нуфузли мукофоти — «Гран-при» номинацияси «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган «Бобурнома. Миниатюралар» китоб-альбоми рағбатлантирувчи соврин билан тақдирланди. Китоб нашр этишдек эзъозли касб эгаларини қўлга киритган ютуқлари билан қутлаймиз.

**Ислом СУЛТОНОВ**

## Хорижий тажрибалар ўқуви

Яқинда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎзЭОАВМА) Конрад Аденауэр жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Замонавий ахборот дастурларини яратишда медиа-технологиялардан самарали фойдаланиш амалиёти» мавзуида семинар ўтказди.

"Бунёдкор" телекомплексда бўлиб ўтган мазкур семинарда "Россия" телеканали телевидение дастурлари директори И.Романовский, видеомонтаж устаси А.Ершовлар ёш журналистлар билан ўз тажрибалари юзасидан ўртоқлашдилар.

Семинарда ҳудудий нодавлат телестанциялар, NTT ва "TV Markaz" телеканалларидан ахборот ва янгилик дастурларини тайёрловчи 40 нафар журналист ва телеоператор-видеомонтаж устолари қатнашди.

Иштирокчилар ахборот ва янгилик дастурларини тайёрлаш бўйича жаҳон тажрибаси, таниқли телеканаллар томонидан қўлланилаётган услублар билан таништирилди.

Ташкилотчилар олти кунлик семинар машғулотлари асосида ёш журналист ва телеоператорлар учун амалий видеокўлланма ва тайёрланган материаллар асосида тележурнал яратишни режалаштириб олдилар. Семинар якуни бўйича иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

**Бунёд ЗОҲИР**

ГАЗЕТА

# ҚЎШРАБОТ ЖАРЧИСИ

*Қўшработ — тоғлар орасидаги гўзал маскан. Бир томони Оқ тоғ, бир томони Нурота тоғлари орасидаги бу гўша тўрт фаслда ҳам гўзал манзара касб этади. Қиш бу ўлкага оппоқ қорлари билан файз берса, баҳор бамисоли келинчакдай нозланиб, атрофни ўт-ўлан, майсага буркайди. Ёзнинг пишиқчилик палласида болдай узумлар, ширин мевалар-у, қовун-тарвузлар далаларга зеб беради, сўлим куз ҳавоси ҳам бу гўшага ажойиб тароват бахш этади. Самимий ва очиқ кўнгил одамлари эса ҳар бир сўзни бахшиёна оҳанг билан гапиради.*

Юртимизда рўй бераётган янгиланиш, тараққиёт одимлари Қўшработда ҳам ўз қиёфасини кўрсатмоқда. Қурилаётган янги саноат корхоналари, олис тоғ қишлоқларидаги замонавий умумтаълим мактаблари, коллеж, шифохоналар, янги савдо шохобчалари юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётганидан дарак. Бу албатта, маҳаллий журналистлардан ҳам интилиш, изланиш, ҳаёт билан ҳамнафас одимлашни тақозо этиши табиий.

Қўшработ тумани ҳокимлигининг нашри — "Истиқбол сари" газетаси туман ҳаётини акс эттирувчи ягона нашр ҳисобланади. Кейинги йилларда ушбу газета фаолияти ҳам анча такомиллашди. Иш жараёнига компьютер тизими кириб келди. Газета Самарқанд вилоят марказий босмахонасида замонавий дизайнда чоп этилаяпти. Босилаётган ижодий маҳсулотлар ҳам мазмунан бойиди. Танқидий чиқишларнинг, янги муаллифларнинг сони ортди.

— Бу йил газетамиз ташкил этилганига 30 йил тўлди, — дейди газета муҳаррири Болтабой Мамарасулов. — Республикамиз матбуотида фаол хизмат қилиб келаётган кўплаб қаламкашлар ўзларининг илк фаолиятини бизда бошлаганларини алоҳида таъкидлагим келади. Улар бугун ҳам таҳририятга келиб туришади. Қўшработни асли истеъдодлар маскани, дегим келади. Чиндан ҳам, бу ерда ижодга у ёки бу даражага алоқадор кишилар кўп. Чунончи, ҳозир ҳам бу ерда янги иқтидор соҳибларини кашф этиш учун доимо изланишдамиз. Айни дамларда Пардабой Олтибоев, Зокир Ҳамроев, Ҳусниддин Мамарасулов, Анора Арабова, Шуҳрат Қўшанов, Ҳазрат Примов сингари мухбирларимиз туманнинг олис ҳудудларидан тайёрлаган бир-биридан ўқишли материаллари билан қатнашиб келмоқда.

Ўтган йили туман газетаси таҳририяти ташаббуси билан "Қўшработ қалдирғочлари" номли ёш ижодкорлар тўплами дунё юзини кўрди.

— "Истиқбол сари" газетасининг жонкуярларидан бири маҳалла фаоллари ҳисобланишади, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Қўшработ туман бўлими раиси Нормўмин Усмонов. — Чунки ҳар бир маҳалла фаоли туман ҳаётидаги муҳим янгиликлардан хабардор бўлсагина ўз маҳалласининг обод, замон нафасига мос тарзда ривожланишига ҳисса қўшади. Туманимиз аҳли бу газетанинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутади.

Туман газетаси ходимлари яқинда ёш ижодкорларнинг яна бир тўпламини нашрга тайёрлашни мўлжаллаяпти. Баркамол авлод йили муносабати билан нашр этиладиган бу тўпламдан янги овозлар, ёш ижодкорларнинг асарлари ўрин олади.

Таниқли журналист Намоз Саъдуллаев ўзи туғилиб ўсган Қўшработ туманига алоҳида таъриф бериб: "Бу ернинг номи Қўшработ, Қўшоғоч суви, Қўштамғали қишлоғи, хуллас, ҳар бири қўш, эгизак ном билан бошланади", — деб ёзган эди. 30 ёшга тўлган Қўшработнинг "Истиқбол сари" газетаси ҳам қўша-қўша ёшларга етиб, мухлисларини хурсанд қилишда давом этаверсин!

**Ўлжабой ҚАРШИЕВ,**
**Иззатулла ҒАЗНАЕВ**

TURON BANK

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
**«ТУРОН БАНК»**

Халқимизга янги ва мўмай даромадли
**«ШОДЛИК»**
омонатини тақдим этади.
Омонат бўйича йиллик даромад 24 фоиз ҳисобланади.
Фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилгандан сўнг берилади.
ОАТ «Туронбанк»ка қўйилган омонатларнинг қайтариб берилиши юз фоиз давлат томонидан кафолатланган.
Сақланиш муддати – 3 ой.

*"Ўзбекистон Республикаси банк фаолияти тўғрисида"ги қонунчилигида омонатчиларни суғурталаш ва фуқароларнинг омонатларини кафолатлаш фондини ташкил этиш кўрсатиб ўтилган. Ушбу фонд банк тизимининг барқарорлигини таъминлаб, фуқароларнинг омонатларини қайтариб беришини кафолатлайди.*

*ОАТ "Турон банк" ўз омонатчиларига банк сирига амал қилинишини кафолатлайди. Шунингдек, омонатга қўйилган маблағларини омонат муддати тугаши билан қайтарилишини таъминлайди.*



***Шунингдек, Турон банк сиз, азизларга ўзининг фойдали, қулай, хавфсиз ва нуфузли сўм – пластик карточларидан фойдаланишни тавсия этади.***

***Банк пластик карточкалари соҳиби бўлиш чиндан ҳам нуфузли бўлиб, у сизга банкдаги ҳисобингиздан исталган вақтингизда фойдаланиш имконини беради, шунингдек, замонавийликнинг ажралмас бўлагидир.***

***Фойдали жиҳати шундаки, пластик карточкангиздаги маблағга йиллик 14 фоиз ҳисобида ойлик капиталлашуви билан даромад қўшиб борилади.***

***Қулайлик томони шундаки, нақд пул олиб юриш муаммосидан халос бўласиз: Сиз учун барчасини терминал ускуналар бажаради.***

***Пластик карточкалар маблағингизни йўқотиб қўйиш каби нохуш ҳолатлардан ҳимоя қилади.***

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонга:
***(+99897) 700-55-55***
ёки www.turonbank.uz
сайтига мурожаат қилишингиз мумкин.

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

ДАРАКЛАР

### БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ТУЗИЛАДИ

Кеча Люксембургда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар молия вазирлари учрашиб, еврони барқарорлаштириш жамғармасини ташкил этиш бўйича дастлабки келишувга эришдилар. Бу ҳақдаги сўнгги қарор шу ойнинг охирида кўриб чиқилади.



Маълумки, ЕИнинг ягона валютаси — евронинг қадри тушиб бормоқда. Сўнгги савдоларда бир евро бир доллару 19 центга баҳоланган. Бу сўнгги тўрт йилдаги энг паст кўрсаткичдир.

Йиғилишда иштирок этган Люксембург бош вазири Жан Юнкер тезлик билан чоралар кўрилмаса, евронинг қадри яна ҳам пасайиб кетишини билдирди. Йиғилиш қатнашчилари 500 миллиард евродан иборат барқарорлаштириш жамғармасини ташкил этиш бўйича келишиб олдилар. Бу маблағнинг 60 миллиард евроси кредит бериш учун Еврокомиссия ихтиёрига берилади. Қолган 440 миллиард евро эса еврохудудда жойлашган мамлакатлар қарз олиши учун кафолат вазифасини ўтайди.

### НЕФТЬ ФЛОРИДАГАЧА ЕТИБ КЕЛДИ

Мексика кўрфазида рўй берган экологик ҳалокатнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар дастлабки натижасини бера бошлади. Сўнгги маълумотларга қараганда, "British Petroleum" компанияси кўп уринишлардан кейин кунига сувга чиқиб кетаётган 11 минг баррель нефтни ушлаб қолишга муваффақ бўлаяпти.

Яқин кунларда бу кўрсаткич 20 минг баррелга чиқади. Лекин нефтнинг денгизга қуйилиши фақат кузга бориб бутунлай тўхтатилади.

Жаҳон ОАВ воситалари хабарларида айтилишича, нефть кўрфазнинг катта қисмини эгаллаб бўлди. Табиатга, ҳайвонот оламига тиклаб бўлмас даражада катта зарар етказилди. Қора олтин бир неча юз километр узоқликда бўлган АҚШнинг Луизиана, Алабама, Миссисипи штатлари қирғоқларига ҳам етиб келди. Куни кеча мутахассислар Флорида қирғоқларида ҳам нефть қолдиқларини кўришган.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 22 апрель куни кўрфазда Европадаги энг йирик нефть компанияси "British Petroleum"га қарашли нефть қазиб олинадиган платформа чўкиб кетган эди. Шундан буён миллионлаб баррель нефть сувга оқмоқда.

### ФЕДЕРАЦИЯ КЕНГАШИНИНГ ТАКЛИФИ

Россия парламентининг юқори палатаси ҳукуматга пиво ва кам алкоголли ичимликларни ҳам алкоголь ичимликлар сафига киритиш таклифи билан чиқди. Бу ҳақда куни кеча Федерация кенгаши ижтимоий сиёсат бўйича қўмита бошлиғи Валентин Петренко «Интерфакс» агентлиги мухбирига берган интервьюсида айтиб ўтди. Унинг таъкидлашича, сўнгги йилларда мамлакатда пиво ва кам алкоголли ичимликлар ишлаб чиқариш тез суръатларда кўпаймоқда. Бундан ташқари, уларнинг рекламаси ҳам кенг йўлга қўйилган. Натижада пиво ичувчилар сони ортмоқда. Бу ҳолат ёшлар орасида авжга чиқаётгани ташвишлидир.

Агар пиво алкоголь ичимликлар сирасига киритилса, рекламаси камаяди, ишлаб чиқариш ҳам бироз чекланади. Сенаторнинг айтишича, соғлом авлодни тарбиялаш учун, албатта, янги қонунлар зарур.

### МИЛЛИЙ РАЗВЕДКА ИДОРАСИНИНГ ЯНГИ БОШЛИҒИ



АҚШ президенти Барак Обама Жеймс Клепперни мамлакат миллий разведка идорасига бошлиқ этиб тайинлади.

— 40 йилдан буён Америка манфаатлари учун хизмат қилиб келаётган Жеймс Клеппер миллий разведка соҳасидаги энг обрўли ва тажрибали инсонлардан биридир, — деди президент уни таништириш маросимида.

Клеппер жорий йилнинг май ойида истеъфога чиққан Деннис Блэрнинг ўрнини эгаллайди. Бундан буён у разведка маълумотлари тўплайдиган 16 та хизматнинг ишларини назорат қилади.

Энди Клепперниг номзодини Сенат тасдиқлаши керак. Барак Обама сенаторларни тезроқ Клеппер учун овоз беришга чақирди. Миллий разведка директорлиги лавозими 2001 йилнинг 11 сентябрь воқеаларидан сўнг ташкил этилган.

### СПОРТЧИ — БОСҚИНЧИ

Марокаш суди 2006 йили Буюк Британиянинг Кент графлигидаги "Securitas" инкассаторлик компанияси омборига ҳужум қилган жиноятчилардан бири устидан ҳукм чиқарди. Ўшанда босқинчилар омбордан 53 миллион фунт стерлинг (салкам 100 миллион доллар) олиб кетишган эди.

Босқинчилардан бири машҳур спортчи, қоидасиз жанглар мусобақаси иштирокчиси Ли Мюррей бўлиб чиқди. Суд ҳукмига кўра, у 10 йилга озодликдан маҳрум этилди. "The Independent" газетасининг ёзишича, собиқ спортчи жазони Шимолий Африкада ўтайди. Чунки Мюррей Марокаш фуқаролигини қабул қилган ва уни депортация қилиш мумкин эмас.

"Securitas"даги ўғирлик бўйича 13 киши қамоққа олинган. 2008 йилнинг январида 25 ёшли Ли Раша, 49 ёшли Стюарт Ройл, 26 ёшли Жетмир Букпапа, 30 ёшли Рожер Коуттс, шунингдек, Securitas компанияси ходимларидан бири, 28 ёшли Эмир Хисенай жавобгар деб топилиб, 10 йилдан 15 йилгача қамоқ жазосига тортилган эдилар. Бундан ташқари, суднинг ҳукмига биноан Албания фуқаролари бўлган икки босқинчи — Букпапа ҳамда Хисенай жазони ўтаб бўлгач, Буюк Британиядан депортация қилинади.

Жиноятнинг асосий иштирокчилари қамоққа олинган бўлса-да, 53 миллион фунт стерлингнинг 21 миллиони топилди, холос. Қолгани қаерда экани ҳозиргача номаълум. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ушбу жиноятни очиш ишларига 5 миллион фунт стерлинг сарфланди.

### БОЛАЛАР ЗАҲАРЛАНИШДИ

Свердловск вилоятининг Каргинск шаҳридаги "Ладушка" боғчасида тарбияланаётган 45 нафар бола ва 6 нафар тарбиячи заҳарланиб касалхонага ётқизилди. ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, уларнинг ҳаммасига «сальмонеллез» ташхиси қўйилган.

Вилоят прокурорининг талаби билан туман прокуратураси текширув бошлади. Дастлабки суриштирув натижасидаёқ кўплаб қоида бузилишларига, хусусан, овқат тайёрлаш технологиясида камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди.

Туман прокуратураси туман касалхонаси бош врачи ва туман халқ таълими бўлими бошлиғини маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича ишни ўрганиб чиқмоқда. Хабарда айтилишича, бу мансабдор шахслар болалар ва ходимларнинг заҳарланиши фактини яширишга ҳаракат қилишган.

### ТИТАНДА ҲАЁТ БОРМИ?

Америка миллий аэрокосмик агентлиги олимларининг таъкидлашича, Сатурн сайёрасининг йўлдоши Титанда ҳаёт белгилари бор. Бу ҳақда ВВС телерадиокомпанияси хабар тарқатди. Олимлар АҚШнинг "Кассини" ер йўлдошидан олинган маълумотларга таяниб, Титанда оддий биологик турлар мавжуд, деган хулосага келишган.

«Бизнингча Титан атмосферасидаги биологик мавжудотлар водороддан ердаги тирик организмлар кислороддан фойдаланганги каби фойдаланади", — деди тадқиқотчилардан бири Крис Маккей. У ердагига мутлақо ўхшамайдиган биологик ҳаёт ҳақида гап кетаётганини таъкидлаб ўтди.

Титан катталиги жиҳатидан Қуёш тизимидаги иккинчи йўлдош ҳисобланади. У 1655 йили голландиялик астроном Христиан Гюйгенс томонидан кашф қилинган. Унинг диаметри 5152 километрни ташкил этади.

### ОЙДАН КЕЛТИРИЛГАН ТОШ ЙЎҚОЛДИ

АҚШнинг Денвер шаҳридаги табиат ва фан музейидан қимматбаҳо экспонат — астронавтлар ойдан олиб келган тош йўқолди. Аммо орадан бир неча фурсат ўтгач, у Коларадо штатининг собиқ губернатори Жон Вандерхуфнинг уйидан топилди. Мутахассис-



ларнинг таъкидлашича, тошнинг баҳоси 5 миллион доллар туради.

Хабарларга қараганда, шу ердаги университетда ўқийдиган бир талаба музейга кириб, ойдан олиб келинган тошларни кўрмоқчи бўлади. Музей каталогида ёзилишича, бу ерда 1969 ва 1974 йилларда совға қилинган, ойдан олиб келинган иккита тош бўлиши керак эди. Музей ходимлари битта тошни кўрсатишади-ю, иккинчисини топиша олмайди. Шундан сўнг тўполон бошланади.

Музей ходимлари тошни ўша пайтдаги мамлакат президенти Р.Никсон қўлидан қабул қилиб олгач, собиқ губернаторга қўнғироқ қилишади ва тош ҳақида маълумот сўрашади. Губернатор эса тош меҳмонхонасида сақланаётганини айтади. Унинг таъкидлашича, тошни Р.Никсондан қабул қилиб олгач, музейга топширмоқчи бўлган, лекин ҳеч ким унга қизиқиш билдирмаган. Шундан сўнг у тошни уйига олиб кетган. Шундан буён тош губернаторнинг уйида сақланаётган экан.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

ФАОЛИЯТ

# ХОДИМЛАРИМИЗНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

**— дейди Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуи, геология ва кимё саноати касаба уюшма ходимлари Марказий Кенгашининг Қашқадарё вилояти бўйича вакили, сиёсий фанлар номзоди Жумақул ҚУРБОНОВ**

*"Ҳаётбахш янгиланиш ишларида ўз сафларида миллионлаб меҳнаткашларни бирлаштирган энг оммавий жамоат ташкилотлари — касаба уюшмалари фаол қатнашмоқдалар. Улар меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини холисона ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилигининг амалда бажарилиши кафолатларига эришиш, ўз-ўзини бошқариш каби энг долзарб вазифаларни ҳал этишда иштирок қилишни ўзларининг асосий бурчлари деб билмоқдалар ва халқимиз орасида обрў қозонмоқдалар..."*

**Ислом КАРИМОВ**

Қадим-қадимдан инсоният фаровон ҳаёт кечиришни, ҳур ва обод Ватанда умргузаронлик қилишни орзу қилган. Аждодларимизнинг фалсафий қарашларида, мақсад ва ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари руёбга чиқиши учун барча имкониятлар мавжуд бўлган адолатли фуқаролик жамиятига интилишларининг гувоҳи бўласиз.

Мустақиллик мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш учун кенг имкониятлар эшигини очди. Истиқлол йилларида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилган ва оширилаётган катта ислоҳотлар замирида ҳам ана шу ғоя, ана шу мақсад мужассамлашган.

Бебаҳо бойлик ҳисобланган меҳнаткаш халқ манфаати йўлида хизмат қилиш, ислоҳотларни амалга оширишда давлатга кўмаклашиш, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш борасида ижтимоий шерикчилик асосида амалга оширилаётган улкан ишлар касаба уюшма ташкилотларимизнинг муҳим ролини амалда намойиш этмоқда.

Касаба қўмитаси етакчиси учун фақат елиб-югуришнинг ўзи кифоя қилмайди. Ижтимоий шерикчилик тизимининг амалдаги муваффақиятларини таъминлаш етакчидан ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонликни, дипломатик муомала санъатини ўзлаштиришни тақозо этади.

Маълумки, мамлакатимиз халқ хўжалигининг етакчи тармоқлари бўлмиш ёқилғи-энергетика мажмуи, геология ва кимё саноатига қарашли гигант корхоналар асосан, Қашқадарё вилоятида жойлашган. Хусусан, Муборак газни қайта ишлаш заводи, "Муборак нефтгаз", "Шўртан нефтгаз" унитар шўъба корхоналари, "Шўртангазкимё" мажмуаси, "Толлимаржон иссиқлик электр станцияси" унитар корхонаси, Кўкдумалоқ компрессор станцияси, Муборак иссиқлик энергия маркази сингари ўнлаб корхоналар ана шулар жумласидан. Албатта, мазкур корхоналар мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишида, ишлаб чиқариш жараёнларининг такомиллашувида, уларда меҳнат қилаётган ўн минглаб ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда касаба уюшмаларининг муносиб ўрни бор.

Таъкидлаш жоизки, "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари!" шиори Ўзбекистон Касаба уюшмаларининг ҳаракат дастурида қўллаб-қувватланган ва ушбу дастурга мувофиқ касаба уюшмаларнинг асосий фаолият йўналишлари белгилаб олинган. Мазкур йўналиш бўйича биринчидан, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда давлатга кўмаклашиш, иккинчидан, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, учинчидан, меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини маънавий ва жисмоний камолотига ёрдам кўрсатишдан иборат.

Айни пайтда вилоят вакиллиги таркибида 41 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Улардаги аъзолар сони 35083 нафарни ташкил этади. Касаба уюшма қўмиталари раисларининг 17 нафари асосий ишдан озод этилган, 24 нафари ишдан ажралмаган ҳолда фаолият олиб боришаяпти. Етакчиларнинг олти нафари хотин-қизлардан иборат.

Ҳозирда бошланғич касаба уюшмаларидаги аҳволни ўрганиш, икки томонлама манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида вакиллик ҳузурида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ижтимоий шерикчилик мониторингини олиб борувчи махсус гуруҳ фаолият кўрсатаяпти.

Мазкур махсус гуруҳнинг мониторинг натижаларига кўра, бошланғич ташкилотлар раҳбарлари фаолиятини баҳолаш, илғор тажрибаларнинг оммалашуви умумий фаолиятимизда ижобий роль ўйнаяпти. 41 та жамоа раҳбарлари ва мазкур жамоаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг 97 фоизини касаба уюшмаси ташкилотлари ҳақидаги фикрлари ижобий, деб топилди.

Айтиш керакки, корхона ва ташкилотларда ислоҳотлар самараси, иқтисодий аҳвол, ишлаб чиқариш шароитларини янада яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда янги техника ва технологияларни жорий этиш бўйича бир йилда касаба уюшма ташкилотлари етакчилари томонидан 410 та турли таклиф ва мулоҳазалар киритилган. Уларнинг 390 таси амалиётга бевосита татбиқ этилган.

Юқорида зикр этилган, иккинчи йўналиш — меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоялаш бўйича кейинги бир йил ичида 1418 нафар хотин-қиз, 714 нафар ҳомиладор аёлнинг, 1792 нафар ёшлар, жами 3024 нафар ходимларнинг ижтимоий, маиший шарт-шароитлари бевосита касаба уюшмалари етакчиларининг аралашуви билан яхшиланган. Меҳнат муҳофазаси бўйича 113 та таклиф киритилган, 714 нафар ҳомиладор аёлга куни узайтирилган таътил берилган. Зарарли шароитда ишловчи 697 нафар ходим 115 млн. сўмлик махсус озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган. Иш берувчи томонидан қонунга зид равишда ишдан бўшатилган уч нафар ходим ўз иш жойига қайта тикланган.

Иш берувчиларнинг эътиборсизлиги туфайли жабрланган уч нафар касаба уюшма аъзосига 1 млн. 600 минг сўм маблағ ундириб берилган. 218 нафар ходимга, фахрий ва ногиронларга 27 млн. 337 минг 200 сўмлик жамоа шартномасидан ташқари меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди.

Албатта, асосий пойдеворимиз — бошланғич ташкилотларда олиб борилаётган бундай хайрли ва савоб ишлар жамоамизнинг катта салоҳиятидан дарак бериб турибди.

Тармоқ вакиллигига қарашли барча корхона ва ташкилотларда, жумладан, нодавлат секторга қарашли 20 та корхонада касаба уюшма қўмитаси билан маъмурият ўртасида жамоа шартномалари тузилган. Ҳар йили жамоа шартномалари орқали ходимлар саломатлигини тиклашга 4 млрд. 726 млн. 785 минг сўм, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга эса 2 млрд. 260 млн. 531 минг сўм миқдорида маблағ сарфланмоқда.



Жамоа шартномаларига асосан, тармоқ бўйича фақат меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига бир йилда 6,5 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилаяпти.

Учинчи — меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзолари маънавий ва жисмоний камолотига ёрдам бериш йўналиши бўйича иш берувчи ва касаба уюшмалар ҳамкорлигида амалга оширилаётган ижобий ютуқларимизни алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Қарши шаҳридаги «Геолог», Муборак шаҳридаги «Маржон» санаторий-профилакторийларида тармоқда ишлайдиган ходимлар замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ёрдамида соғломлаштирилмоқда. Айниқса, «Шўртангазкимё» мажмуаси, «Шўртан нефтгаз», «Муборак нефтгаз» унитар шўъба корхоналари, Муборак газни қайта ишлаш корхонаси, "Толлимаржон иссиқлик энергия станцияси" унитар корхонаси, "Муборак иссиқлик энергияси маркази" очиқ ҳиссадорлик жамиятининг махсус цех ва бўлинмаларида ишлайдиган ходимларга малакали профилактик тиббий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳар йили тиббиёт муассасалари билан касаба уюшмалари ўртасида тузилган шартномага мувофиқ 18120 нафар ишчи-хизматчи ва уларнинг фарзандлари тиббий кўрикдан бепул ўтказилмоқда. Тиббий кўрик натижаларига кўра, ходимларга имтиёзли йўлланмалар ажратилаяпти. Кейинги бир йилда тизимдаги 5800 нафар ходим республикамиздаги санаторий-профилакторийларда, 270 нафар хизматчи хориждаги дам олиш масканларида ўз соғликларини тиклаб қайтишди. Ана шу мақсадлар учун ҳар йили иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳисобидан 2 миллиард 450 миллион сўм маблағ ажратилмоқда.

Бозор иқтисодиётидан келиб чиқиб, сарф-харажатларни иқтисод қилиш, ишчи-хизматчиларга қулайликлар яратиш мақсадида вилоят марказида ва вилоятнинг тоғли, баҳаво ҳудудлари ҳисобланмиш — Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманларида соғломлаштириш масканларининг янги тармоқларини ташкил этиш учун республикамиздаги шу соҳа мутасаддилари билан иш олиб бораяпмиз.

Тармоқдаги корхона ва ташкилотлар тасарруфидаги болалар оромгоҳларида ёзги соғломлаштириш мавсуми тугагач, катта ёшлиларни соғломлаштириш даври бошланади. Кейинги уч йил ичида тармоқдаги 15 та корхонадан 4700 нафар ходим воҳанинг энг баҳаво, хушманзара масканларида корхона маблағи ҳисобидан соғломлаштирилди.

Касаба уюшмаларининг иш берувчилар билан ҳамкорликда ишчи-хизматчиларнинг фарзандларини оромгоҳларда соғломлаштиришдаги ибратли ишларини алоҳида таъкидлашим жоиз.

Корхона ва ташкилотларимиз ихтиёрида бўлган оромгоҳлар қайта қурилиб, жиҳозланди. «Шўртангазкимё» мажмуаси тасарруфидаги «Лочин», «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасига қарашли «Ёш алангачи», «Ҳисоролди нефть ва газ қидирув экспедицияси»га қарашли Беруний номли, Муборак газни қайта ишлаш заводи тасарруфидаги «Ниҳол», «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонасига қарашли «Шўртан қалдирғочи» каби оромгоҳлардаги шароитлар халқаро талаблар даражасига тенглаштирилди. Айниқса, бугун "Лочин" оромгоҳида нафақат бизнинг фарзандларимиз балки Украина, Белорусь ва Туркия давлатлари меҳнаткашларининг болалари ҳам дам олишаётганини фахр билан қайд этишимиз мумкин.

Ҳар йили тармоққа қарашли корхоналар тасарруфидаги 8 та оромгоҳда ишчи-хизматчиларнинг 15 минг нафарга яқин фарзандлари кўнгилли ҳордиқ чиқариб, ўз соғликларини тиклаб қайтишади. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари эса бепул дам олдирилмоқда.

Касаба уюшмаларининг етакчилари маданий, маънавий-маърифий, спорт тадбирларини ташкил этишда бош-қош бўлмоқда. Деярли барча корхона ва ташкилотларда «Маънавият ва маърифат» хоналари мавжуд. Уларда умуминсоний қадриятларга, мустақиллик ғояларига, миллий мафкура мавзусига, миллий тотувликка бағишланган суҳбатлар ва мулоқотлар ташкил этилаяпти.

Мазкур тармоққа қарашли 30 дан ортиқ гигант корхоналарда ишлаётган ишчи-хизматчиларнинг 30 фоизини ёшлар ташкил этади. Мамлакат иқтисодиёти учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган ана шу корхоналарда меҳнат қилаётганлар, иймони бутун, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган буюк мақсадлардан хабардор, миллий ғоямизга садоқатли инсонлар бўлиши лозим. Бизнинг тарғибот-ташвиқотларимиз ана шу мақсадга йўналтирилаяпти.

Жойлардаги маънавият-тарғибот марказлари ва «Камолот» ЁИҲ шаҳар, туман бўлимлари, хотин-қизлар қўмиталари, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган мафкуравий тадбирлар жуда қизиқарли ўтаяпти.

Барча корхона ва ташкилотларда спорт заллари, жисмоний ва психологик машқ хоналари мавжуд. Уларда турли мусобақалар ва тадбирлар ташкил этилаяпти. "Шўртангазкимё" мажмуасининг "Насаф", «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасининг «Машъал», «Шўртаннефтгаз» корхонасининг «Шўртан» футбол жамоалари республика олий лигасида муваффақиятли иштирок этишмоқда.

«Шўртангазкимё» мажмуасининг «Севинч» аёллар футбол клуби бир неча бор Ўзбекистон чемпиони унвонини ва кубогини қўлга киритди.

Қарши шаҳридаги юксак талаблар даражасида бунёд этилган «Геолог» стадионида ташкил этилган спорт секцияларига тармоқ ишчи-хизматчиларимизнинг 3 минг нафардан зиёд фарзандлари бепул қатнамоқдалар. Меҳнат жамоаларида маънавий, маданий "Санамлар сарвари", «Бизнинг оила», «Корхонам — фахрим менинг», «Корхона маликаси» каби тадбирлар ва беллашувлар, танловлар ўтказиш анъана тусини олган.

Жамоаларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга бўлган эътибор боис, тармоқ ходимлари Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилаётган спорт беллашувларида мунтазам совринли ўринларга сазовор бўлишаётир. Вилоят вакиллиги етакчилари 2005 йилда спортнинг миллий кураш, 2006 йилда мини футбол, 2007 йилда теннис, 2008 йилда волейбол, 2009 йилда шахмат, шашка турлари бўйича республика Марказий Кенгаши томонидан уюштирилган мусобақаларда фахрли 1-ўринни қўлга киритди.

Мухтасар қилиб айтганда, меҳнаткашларни маънавий жиҳатдан юксалтириш, саломатликларини мустаҳкамлаш, уларнинг фарзандларини баркамол ҳолда вояга етказиш учун амалга оширилаётган ҳайрли ишлар касаба уюшмаларининг меҳнат жамоаларидаги нуфузини оширмоқда, мавқеини янада мустаҳкамламоқда.

Зеро, ҳозирги давр талаби ва бизнинг бош мақсадимиз барпо этилаётган фуқаролик жамияти пойдеворини мустаҳкамлашга, юртдошларимиз учун эркин, фаровон ҳаёт яратишга ҳисса қўшишдан иборат.

**Ғулом АБДИЕВ тайёрлади ®**

МОЗИЙ

# РЎЙИ ЗАМИН САЙҚАЛИ

*Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳри билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Шаҳримизнинг ўтмишию ҳозирги куни киши эътиборини тортади, бир зум бўлса-да фикрлашга ундайди. Негаки, кундан-кунга чирой очаётган шаҳар гўёки ўзининг гўзаллик сирларини намоён этаётгандек.*



Бизгача кўп ва хўп таъриф-у, тафсифларга сазовор бўлган шаҳар тўғрисида фикр юритар эканмиз, унинг тарихдан сўзловчи маданий ёдгорликлари, элни ҳайратга солган билимдон аллома-лари, ширмойи нонларию ҳунарманд кулоллари, зиёратгоҳ маконлари киши руҳиятини шодлантиради. Шаҳарнинг равон кўчаларидан юриб, атрофга назар ташлар эканмиз, ҳар бир дарахт, ҳар бир бино, йўллари киши хаёлини олис ўтмиш сари етаклайди, аждодларимизнинг билим ва маданий салоҳияти ҳамда ақлига тан беришга ундайди.

Самарқанд жуда қадим шаҳар сифатида нодир манбаларга бой маскандир. Биз бу бойлигимизни асраб-авайлашни, уни кўз қорачиғидек сақлаб, асл ҳолича келгуси авлодларга етказишни ўзимизнинг инсонийлик бурчимиз деб биламиз.

Маълумки, юртимиздаги музейларни жаҳон музейчилиги тажрибалари асосида ривожлантиришга, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрдаги "Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлаётир.

Шу ўринда, Самарқанд давлат бирлашган тарихий меъморий ва бадиий музейи қўриқхонаси тўғрисида қисқача тўхталиб ўтишни жоиз, деб билдик.

Музей 1896 йили ташкил этилган. Кейинчалик энг ноёб ва қизиқарли экспонатларнинг йиғилиши натижасида унинг фонд заҳиралари кенгайиб борди. Музей ташкил этилганидан бошлаб ўлка маданияти ва тарихини кенг тарғиб қилиш, томошабинлар дидига мос экспонат, экспозициялар яратиш, уларни кенг омма ҳукмига ҳавола этиш бу муассаса ходимларининг асосий вазифаси бўлиб келган.

Музей фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири — бу маълум бир мавзуларга йўналтирилган кўчмас ва доимий кўргазмалар ташкил этишдир. 1974 йили Россия ва Украина шаҳарларида, 1977 йили Санкт-Петербург музейида, 1980 йили Германияда, 1982 йили Токиода Ўзбекистон тарихига бағишланган йирик кўргазмалар ташкил этилган бўлса, 1992-93 йиллари Мустақиллик шарофати ҳамда ўзбек ва француз археологларининг ташаббуси билан Франциянинг Париж, Тулуза ва Германиянинг Кёльн шаҳарларида Самарқанд музейи кўргазмалари тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон замини ва унинг заҳматкаш халқи тўғрисида атрофлича тушунчалар берилди.

Бугунги кунда Самарқанд давлат бирлашган тарихий меъморий ва бадиий музейи қўриқхонасида археология, қўлёзмалар, тасвирий санъат, этнография, суратлар ҳамда ҳужжатлар бўлимлари мавжуд бўлиб, 210 мингдан зиёд экспонат ҳамда 23 мингдан зиёд китоб ва бир аср аввал чоп этилган газета ва журналлар ҳамда бошқа расмий маълумотларга эга бўлган 115 бўлимдан иборат илмий методик кутубхона фаолият кўрсатмоқда.

Шаҳардаги Улуғбек расадхонаси, Афросиёб, Ўлкашунослик музейи, Садриддин Айний уй музейи, шунингдек, Иштихон, Каттақўрғон ва Пахтачи туманларидаги музейлар ҳамда Шоҳизинда, Нодир девонбеги, Ҳазрати Ҳизр, Хўжа Аҳрори Валий, Хўжа Дониёр, Имом ал-Бухорий, Чўпонота каби улуғ инсонларнинг зиёратгоҳлари ҳам сайёҳларни доимо ўзига чорлаб туради.

**Зубайдулла ИБРАГИМОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси**

ФАХР

*Эрта-индин пойтахтимизда мамлакатимизнинг ШҲТ – Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида бўлиб ўтадиган навбатдаги саммити олдидан ОАВда берилаётган хабар ва таҳлилий мақолаларни ўқиб, ТВ кўрсатувларини кўриб, дафъатан қалбимда ички бир фахр ҳисси туғилди ва у қўлимга қалам олишга, туйғуларимни қоғозга тушуришга даъват этди. Негаки, Ўзбекистон ШҲТ фаолияти самарадорлигини – унинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ ташаббусларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш ҳисобига янада оширишга асосий эътибор қаратиб келмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар истиқболда ўз ижобий самарасини бериши шубҳасиз.*

# Тараққиётнинг йўл харитаси

Зеро, айни шундай ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик мамлакатимизга дунё мамлакатлари ҳамда халқаро нуфузли ташкилотлар фаолиятида ҳам бемисл самаралар бераётганини Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий ҳамда сиёсий ҳаётидаги барча жабҳаларда яққол кўриб турибмиз. Масалан, иқтисодий йўналишимизнинг асосий ўзак қисми – банк тизимини олайлик.

Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими халқаро талабларга қатъий жавоб берадиган энг барқарор соҳалардан бирига айланиб улгурди. Дунёни ларзага солаётган иқтисодий инқирознинг салбий таъсири мамлакатимизда у қадар сезилмаётгани, шундай қийин вазиятда ҳам янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиб, фуқаролар иш билан таъминланаётгани ва бунда давлатнинг молиявий таянчи бўлган банкларнинг муҳим роль ўйнаётгани республикамизда мазкур соҳанинг ҳимояси мустаҳкам эканидан далолат беради.

Рақамларга мурожат қиладиган бўлсак, сўнгги ўн йилда иқтисодиётнинг реал секторларини кредитлашга йўналтирилган ички манбалар 25 баробар кўпайди. Натижада банкларнинг кредит портфели таркиби тубдан ўзгарди. Агар 2000 йилда кредит портфелининг қарийб 54 фоизи ташқи қарзлар эвазига шакланган бўлса, 2009 йилда жами кредит портфелининг 84 фоизи банкларимизнинг ички манбалари ҳисобидан шакллантирилди.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни кредитлаш ҳажмининг ошиши соҳани ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. 2009 йилда саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 8 фоиздан 7 фоизга туширилиши натижасида каттагина маблағ мазкур корхоналар ихтиёрида қолдирилди.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 триллион 850 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Бу 2001 йилга нисбатан қарийб 11 марта, 2005 йилга нисбатан 4 марта кўп. Соҳа ривожи учун Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (КФВ), ХХР ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторларнинг маблағлари ҳисобидан жами 121,8 миллион доллар кредит ресурслари жалб қилинди.

Кредитлашда имтиёзларнинг белгиланиши мазкур соҳа вакиллари томонидан кредитга бўлган талабнинг ва айни пайтда уларга берилаётган кредит ҳажмининг йилдан-йилга ошиб боришига олиб келмоқда. Жумладан, 2005-2009 йиллар давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган жами кредитлар миқдори 4,4 баробар, микрокредитлар миқдори эса 7,1 баробар ошгани эътиборга молиқдир.

Кейинги йилларда тижорат банклари фаолиятининг кенгайиши ўз навбатида улар бераётган кредитлар, банклардаги депозитлар ва умумий капитал ҳажмига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошади. Бу эса банклар мониторинги билан шуғулланадиган халқаро Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баробар кўпдир.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, мамлакатимиздаги банк-молия соҳасининг тобора мустаҳкамланиб бориши амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар молиявий таъминотининг кучайишига, иқтисодиёт реал секторининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига ҳамда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланишига замин яратмоқда.

**Сардор АҲМЕДОВ,**
**Тошкент молия институти талабаси**

ХОТИРА АЗИЗ

*1950 йили Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида туғилган Шуҳрат ака ёшлигидан учувчи бўлишга ҳавас қиларди. Шу йўл билан одамларга, жамиятга фойда келтириш орзусида улғайди. Пок ният қилган одамнинг тилаги амалга ошади деганлари, рост экан. Шуҳрат ака фуқаро авиацияси сир-синоатларини ўрганиб, узоқ йиллар шу соҳада меҳнат қилди. Ҳалоллиқни, одамларга яхшилик қилишни бир лаҳза бўлсин унутмади.*



# Яхшилик бўлди аъмоли

Шуҳрат ака нафақага чиққанидан сўнг ҳам тиниб-тинчимади. Ўзи истиқомат қилган Чилонзор туманидаги «Навбаҳор» маҳалласига оқсоқол этиб сайлангач, бор эътиборини одамларни маҳалла фаровонлигига қаратди. Маҳаллада ҳашарлар уюштириб, атрофни ободонлаштиришга, элимизнинг қадриятлари бўлмиш Наврўз, Мустақиллик, Янги йил байрамларини, маҳалладаги болаларнинг мучал тўйларини нишонлашга, ёлғиз кексалар ва фахрийлар, уруш иштирокчиларининг кўнглини олишга бош-қош бўлди. У киши бошчилигида ёғингарчилик пайтларида лой-ботқоқ бўлиб турадиган маҳалла кўчалари асфальтланди, атрофига гул, дарахтлар экилиб, обод бўлди. Бунинг учун зарур бўлганда ўз маблағини ҳам аямади.

— Маҳаллага бундан ўн икки йил олдин кўчиб келган эдик, — дейди турмуш ўртоғи Дилором опа. — Ўша кезлари кўпчилик бир-бирини танимасди. Шуҳрат ака, даставвал, ҳовлимизга маҳалла эркакларини йиғиб, бир-бирлари билан таништирди. Кейинчалик дам олиш кунлари маҳаллада ҳашар уюштириш анъана тусига кирди. У киши ёш ота-оналарга доимо «Болангизни эркалатиб унга музқаймоқ, шоколад олиб беринг! Лекин китоб олиб беришни ҳам унутманг. Мутолаа қилган бола ҳеч қачон ўғирлик қилмайди, ёмон йўлга кирмайди», — дейишни канда қилмасди. Ўзлари ҳам болаларимизга ҳар доим қизиқарли китоблар совға қилардилар. Шунинг учун ўғилларимиз эсли-ҳушли, одамларга нафи тегадиган бўлиб улғайишди. Катта ўғлим Рустам Тошкент автомобиль йўллари институтида ишлаяпти. Кичиги Фарҳод эса таржимонлик касбини эгаллади. Ўғилларим отасининг ишини давом эттираётганидан ич-ичимдан мамнунлик ҳиссини туяман. Афсус, умрлари қисқа экан, шу кунларни кўрмай кетдилар.

— Шуҳратжон мард, танти, бир сўзли инсон эди, — дейди қўшниси Ж.Абдуллахонов. — У одамларга камчилигини ҳам, ютуғини ҳам шартта-шартта юзига айтарди, ортидан гапирмасди. Шуҳратжон қилган яхшиликлар ёшлар учун ибрат мактабидир. "Яхшидан боғ қолади", деб халқимиз бежиз айтмаган экан. Ҳозир унинг амалга оширган ободончилик ишларини эслаб, шундай ташаббускор инсон орамизда яшаб ўтган экан, ғафлатда қолибмиз-да деб афсусланамиз. Чунки уни даставвал тушунмаган, ташаббусига бош қўшмаганлар ҳам бўлганди-да.

Аллома шоир Мақсуд Шайхзода лутф этганидек, «Умрлар бўладики тиригида ўликдир, Умрлар бўладики, мангуликка тирикдир». Шуҳрат ака Галибаев ҳам ўзининг одамохунлиги, меҳрибонлиги, ташкилотчилиги, қилган ишлари билан маҳаллада ўзига абадий ҳайкал қўйиб кетди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

ТАЪЛИМ

# Баркамол авлод тарбияси йўлида

***Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги ислоҳотларни, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши баркамол авлод тарбиясида олиб борилаётган давлат сиёсатининг инъикосидир. Мамлакатимиз Президентининг фаолияти, у қабул қилган фармон ҳамда қарорлар, унинг охирги ўн йилликлар давомидаги чиқишлари кузатилса, бир нарса аён бўлади: баркамол авлод тарбияси — давлатимиз раҳбарининг доимий ташвиши, орзу-нияти, ҳаётининг асосий мазмунидир.***

Бу фикрлар заминида давлат келажаги, юрт равнақи, халқ фаровонлигини таъминлаш, янги тафаккурга эга бўлган комил инсонни тарбиялаш ғояси ётади. Мисол тариқасида баъзи мисолларни келтирсак:

"Ҳар ким чуқур ва мустаҳкам билимсиз олдимизда турган вазифаларни бажариш мумкин эмаслигини, ишда силжишга эришиш мумкин эмаслигини аниқ тушунмоғи даркор" ("Қашқадарё ҳақиқати" газетаси, 1988 йил, 24 май).

"Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз! Маънавий – ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади" (Юртбошимизнинг XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясидаги нутқидан – "Маърифат" газетаси 1992 йил, 7 январь).

"Аслида таълим – тарбия соҳасидаги ислоҳотнинг чегараси ва поёни йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра муттасил равишда ўзгариб, янгиланиб бораверади" ("Тафаккур" журнали, 1998 йил, 2-сон).

Бугунги маърифатли жамиятни барпо этиш, баркамол авлод тарбиялаш фикри, давлат арбобининг ўй-хаёлида, қалбида сайқал топди, илмий асосланди. Давлат ва жамият ривожланишининг ҳар бир босқичида, жабҳасида республикамиз Президенти давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотлари олдига, айниқса, таълим ва кадрларни тайёрлаш, баркамол авлодни тарбиялаш соҳалари бўйича олдиндан аниқ мақсад-вазифалар қўймоқда ва амалга оширилишини таъминламоқда.



Мазкур жараёнда мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг роли ва аҳамияти беқиёсдир. Унинг ғоя ва мақсадларини амалга ошириш фақатгина малакали мутахассисларни тайёрлаш зарурлиги доирасидан анча кенгроқ ва чуқурроқ маънони англатади. Миллий дастурнинг асосий мақсади ва унинг амалга оширилишининг натижаси комил инсонни, баркамол авлодни тарбиялаш, мустақил фикрлайдиган, ўз халқи манфаатлари, ўз Ватанига фидойи, XXI асрнинг садоқатли шахсини шакллантиришдир.

Маълумки, тарбия жараёни ҳар бир ўзбек оиласининг муқаддас бурчи, жамиятнинг асосий вазифасидир. Ҳар бир инсон бутун умри мобайнида мазкур жараёнда ўсади, улғаяди. Шу боис ҳам оиланинг тарбия жараёнидаги ўрнини алоҳида таъкидлаган ҳолда жамиятнинг барча бўғинлари, йўналишларида педагогик ғояларни тарғиб этиш, бу ғояларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб боришини амалга ошириш давр талабидир.

Жамият ривожланишида тарбия жараёнининг ўта муҳимлигини инобатга олган ҳолда тизимли равишда узлуксиз тарбия тизимини жорий этиш ва ушбу жараёнга барча давлат ва нодавлат тузилмаларининг жалб этилишини таъминлаш тақозо этилади. Ёшларни муқаддас урф-одатларимиз, маданият, юксак маънавият асосида соғлом шахс этиб тарбиялаш, уларни бизнинг ҳаётимизга, динимизга ёт бўлган ноёк ишларга киришидан: гиёҳвандлик ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, одам савдоси, диний ақидапарастлик каби иллатлардан сақлаб қолиш вазифаси турибди. Мазкур фаолиятни амалга ошириш учун ягона тарбия тизимини жорий этиш, яъни ушбу масалани чинакамига умумхалқ ишига айлантириш зарурдир.

Шубҳасиз, таълим тизими жамиятнинг ўзига хос кўзгуси, унинг ажралмас қисми ва айни вақтда тараққиётнинг асосидир.

Демак, таълим-тарбия ва жамият бир-биридан ажралмасдир. Шунинг учун ҳам жамиятда содир бўлаётган ҳар қандай ўзгаришлар, ислоҳотлар албатта, таълим соҳасининг ҳолатига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Давлат ва жамият — таълим тизими фаолияти ҳамда ривожланишининг кафолати бўлиб, унинг мақсад-вазифалари, устувор йўналишларини белгилайдилар.

Давлат таълим тизимида ислоҳотларнинг ташаббускори ва кафили сифатида, мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари, ривожланган демократик давлатлар тажрибаси, халқимизнинг маданий-маънавий, тарихий анъаналари ва умуминсоний қадриятлар, фан, маданият, техника, янги педагогик технологиялар асосида узлуксиз таълим тизимининг перспектив вазифаларини аниқ белгилаб берди ва асосий мақсад – янги онг, янги тафаккурга эга бўлган шахсни, баркамол авлодни тарбиялашга йўналтира олди.

Бошқача айтганда, давлат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ мамлакатнинг ривожланиш босқичида кадрларни тайёрлаш Миллий моделида белгиланган ўз вазифа ва мажбуриятларини амалга оширди.

Шу ерда узлуксиз таълим тизими олдида турган яна бир муҳим масалага эътибор қаратиш ўринли. Мамлакатимиз таълим соҳаси-давлат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам ўз масъулиятига эга. Бунга биринчи навбатда ёт ғоялар ва мафкураларни танқидий баҳолаш, зарурат тақозо этса, уларга зарба беришга қодир маънавий етук, ижтимоий фаол шахсни тарбиялаш, йигит-қизларда фуқаролик туйғусини, толерантликни, она-Ватан тақдири учун масъулликни тарбиялаш, камол топаётган авлод онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш орқали эришилмоқда.

Эътироф этиш зарурки, янги дунёқараш, ижтимоий онгни шакллантириш – бу мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён. Айниқса жаҳонни мафкуравий жиҳатдан бўлиб олиш учун олиб борилаётган ҳозирги тинимсиз ҳаракатлар даврида бу янада кескин тус олади. Бундай шароитда фақатгина кучли миллий мафкурагина жамиятни бузғунчи ғояларидан сақлаб қолиши мумкин. Шу боис ҳам бугун ва келгусида содир бўлиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда узлуксиз таълим тизими кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга оширишнинг таъсирчан ва кучли механизмларидан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, таълим-тарбия тизими мамлакат ривожланишининг стратегик мақсадлари – баркамол авлод тарбияси, кучли демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришга эришишнинг омили сифатида ёшларда миллий истиқлол ғоясига асосланган янги онг, янги тафаккур шаклланиши учун масъулдир.

**Шавкат ҚУРБОНОВ,**
**профессор**

ЖАРАЁН

# БИР ФАЙЗИ МАЪНАВИЙДУРКИ...

*Лев Толстойни ҳаммамиз яхши биламиз. Ҳа, ўша бўй баравар китоблари билан тилга тушган мутафаккир ёзувчи. Унинг ҳаёти ҳам худди асарлари каби ибратга тўла. Агар бахт деган тушунча бойлик, иззат ва давлат билан маънодош бўлганида эди, Лев Толстой ўзини курраи заминнинг энг саодатманд кишиси деб баралла эълон қилиши мумкин эди. Бадавлат, бунинг устига кимсан, аслзода граф, соясига салом берадиганлар сон мингта! Яратган обрў-эътибору истеъдоддан ҳам қисмаган, оқсуяклар жамиятида айтгани айтган, дегани деган. Аммо ҳаётдан лаззатланиш учун шунча имкониятлар бўлишига қарамай, адиб умри давомида нимадир етишмаётганини, тўкис ҳаётида недир бир камчилик борлигини ҳис этиб яшади. Ўша — ҳаётини кемтик қилиб турган нарсани саросар қидирди, туну кун излади. Толстой энг қадрли, дея бир умр қидирган ва алалоқибат топишга муваффақ бўлган бойлик... Бу эътиқод эди.*

Ҳар куни турфа феъл-атвор, турли тийнатдаги кишилар билан мулоқотда бўламиз. Шундай инсонлар борки, ўз фикри ва қарашига эга, атрофдагиларни ҳам ортидан эргаштира олади. Шамол қаёқдан эсса, шу томонга эгилиб кетавермайди, буқаланмундек товланмайди, тусланмайди. Букилади, аммо синмайди! Бошига қилич келса-да, ўз эътиқодида собит туради. Бундай инсонлар кўп эмас, деган эътирозингиз ўринли. Лекин омадингиз чопиб, шундай собитқадам киши билан суҳбатлашиб қолсангиз, ўзингизни тетиклашгандек ҳис қиласиз, улардан ҳаётий қувват олгандек бўласиз. Бу – инсон учун суву ҳаводек зарур ЭЪТИҚОДнинг кучи ва жозибаси!

Таассуфки, беш қўл баробар эмас. Уларнинг акси – ўз қарашига эга бўлмаган, энг қадрли маънавий бойликни ҳам сотишга тайёр, "қуллуқ" ва "хўп бўлади"ни севимли шиор, деб билган одамлар билан ҳам юзма-юз сўзлашишга тўғри келади. Улар билан суҳбатлашганда эса кўнглингиз ғашланади, хотиржамлигингиз, кўтаринки кайфиятингиздан асар қолмайди. Агар озроқ бўш келсангиз, улардаги зарарли микроб дарров юқиши ҳам ҳеч гап эмас.

Бир зиёли инсонни биламан. Топгани қора қозонини қайнатишга аранг етади, аммо шунда ҳам қўли очиқ, ҳотамтой. Ўзи емаса-да, дўстларига илинади. Камбағал бўлса-да, нафси ва кўзи тўқ, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмайди, омонатдор. У кўп нарсага муҳтож, аммо ўша истаганларини сотиб олишга қўли калта. Номаъқул ишлар содир этганда, виждонга "сув сепиш" воситаси бўлиб қолган — "яшаш учун кураш" қоидасидан келиб чиқсак, у ҳаром йўл билан бўлса-да, муҳтожликка барҳам бериши керак. Бироқ у инсон покиза халқумини булғамайди, ҳаром чегарасини кесиб ўтмайди. Ўзи эҳтиёжманд бўлса-да, хоҳишлар устидан ҳукм юргиза олган бу мард инсон айнан эътиқоддан куч олади, унга таяниб кўпчиликни йўлдан оздираётган иллатлардан ўзини сақлайди.

Эътиқодни ўзига хос тарозига қиёслаш мумкин. Йўқ, у бизга бойлик ёки бошқа моддий буюмларни ўлчаб бермайди. У бизга амалга ошираётган ишларимизнинг қимматини баҳолаш, яхши ва ёмон, оқ ва қора сарҳадларини белгилашда кўмаклашади.

Эътиқод – сизу биз ишонган, дил ва тил билан тасдиқлаган имон неъмати; эътиқод минглаб кишиларни маслакдош қиладиган эзгу ғоя; эътиқод бу хайриятга сабаб бўладиган, бахтга эриштирадиган, рўшноликка олиб чиқадиган руҳий қудрат. Авлоний таъбири билан айтганда, «Эътиқод бир файзи маънавийдурки, у файздан ҳиссасини олмак ҳар бир кишининг муқаддас вазифаси». Эътиқодсиз кишини енгишдан осони йўқ. Ундай одамнинг кўнгли ўғри урган хонадондек ҳувиллаб ётади ва бу дунёда ундан-да нотавон, бахти қароні топиб бўлмайди.

Руҳшуносларнинг индивид деб атайдиган одамни ҳазрати ИНСОН сифатида шакллантирадиган барча яхши фазилатлар эътиқод асосига қурилади. Эътиқод вужудимиз дарахтининг илдизи бўлса, ижобий фазилатлар унинг шохчалари. Демак, вужуд илдизини эзгулик суви билан суғоришга ҳар доим эътибор бериш муҳим.

Эътиқод инсонга ақл бовар қилмас куч беради. Сизу бизга нозик ниҳолдек туюлган эътиқодли киши фил кучига эга, аммо имон-ишонч неъматидан мосуво барзангидан қудратлироқ. Эътиқодли инсонни қўрқитиш, дўқ-пўписа, мажбурлаш билан ишонган ғоясидан қайтариб бўлмайди. Агар эътиқодлиман деб даъво қилаётган одам мажбурлаш туфайли ундан воз кечса-чи? Билингки, унда ҳали эътиқод шаклланмаган, ишонч қарор топмаган. Негаки, эътиқодли одам ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз қарашларига содиқ қолади. Аммо бундай кишилар айни шу фазилатлари учун кўп озор чекишлари ҳам – аччиқ ҳақиқат.

"Ер қуёш атрофида айланади", — дея илмда катта инқилоб ясаган олимлардан бири италиялик Жордано Бруно эди. Одамзоднинг табиати қизиқда, ўзига ёқмаган фикрни эшитса, дарров бўғиб ташлагиси келади. Ўша пайтда – 1590-йилларда ҳам "Ер айланади" деган фикр асрлар давомида ҳукмрон бўлиб келган қарашларга тўғри келмас эди. Шу сабабли Жордано Бруно 1592 йилнинг май ойида шаккоклиқда айбланиб, ҳибсга олинади. У тўққиз йил давомида қамоқхонада аёвсиз қийноқлар, хўрликлар исканжасида азоб чекади. Илмга тўғаноқ бўлган бир тўда руҳонийлар қатъиятли олимнинг иродасини синдириш ва қарашларидан воз кечишга мажбурлаш учун барча қийноқларни ишга соладилар. Лекин Бруно ўз эътиқодига содиқ қолади. Жасур донишманд ловуллаб ёнаётган гулханга ташланади. Ўшанда ҳам у: «Ўтда ёқмоқлик — инкор этмоқлик эмас!» — дея ўз қарашларига содиқ қолгани ҳолда жон таслим қилади. Ёки ҳассос адибимиз Абдулла Қодирийнинг жасоратини эсланг. Зўравонликка асосланган, танаси қон билан суғорилган ёвуз тузумнинг шотирлари унинг бошида қилич ўйнатиб турганида ҳам, минг бир қийноқ усулларини қўллаганида ҳам, жонидан воз кечса кечдики, ҳаётий аъмоли деб билган эътиқодидан воз кечмади. "Мен ҳақиқат учун боши кетса, "их" дейдиган йигитлардан эмасман", — деган эди қўрқув билмас адиб ўз қарашларини, миллат ва юрт эрки йўлидаги саъй-ҳаракатларини оқлар экан. Қодирий маслагига хиёнат қилмади, эътиқодига қарши иш тутмади.

"Ҳаётини ўз эътиқодига бағишлаган одам инсониятга улкан кашфиётлар қилган тадқиқотчидан ҳам кўпроқ хизмат қилган бўлади", — дейди Ф.Шиллер. Абдулла Қодирий ҳам юксак эътиқод соҳиби сифатида чор-атрофга зиё таратди ва бу билан зулмат ичида сарсон тентираётган минглаб гумроҳларга йўл кўрсатди.

Ижодда ҳам, эътиқодда ҳам Абдулла Қодирийдай бўлиш мушкул, жуда ҳам мушкул. ҳамма ҳам Жордано Бруно каби эътиқодга садоқат кўрсата олмайди. Аммо улуғ инсонлар ибрати барибир бизларни ҳам эзгу ишларни сабот билан давом эттиришга ундаши тайин.

Бу ҳаётда эътиқодли инсончалик қалби хотиржам, юрагига ҳаловат инган одамни тополмайсиз. Аслида, одамни катта жасоратларга ундайдиган куч ҳам ана шу қалб хотиржамлиги, виждон ҳаловати истагидир. Буни ўзингиз ҳам синаб кўришингиз мумкин. Бунинг учун номи зикр этилган даҳо зотлардек жасоратга қўл уриш шарт эмас. Дейлик, сиз билан кўпдан буён аразлашиб юрган, гаплашмай қўйган танишингизни топинг. Гарчи айб унда бўлса-да, бир дам эътиқод кучига суяниб, қалбдаги асов манманликни енгинг, кечирим сўраб, орадаги совуқчиликни йўқотишга уриниб кўринг. Бунинг уддасидан чиқа олсангиз, қалб ҳаловати ва манманлик устидан қозонилган ғалаба суруринi ана ўшанда кўрасиз!..

Аминманки, агар эътиқодли одамлар кўпайса, кўп муаммолар осон ҳал бўлади, яшаш эса енгиллашади. Асабларимизни кемираётган дардисарлар шамол ҳайдаган булутдек ўз-ўзидан тарқаб кетади.

Учқундан қўрққан темир бўлмайди, дейди қадимгилар. Келинг, биз ҳам ўзимизни дадил тафтиш қилиб кўрайлик. Хўш, тўғри эътиқодда яшаяпмизми, эзгуликни аъмол деб ҳаёт кечираяпмизми? Агар ушбу саволга ижобий жавоб бера олсак, дўппимизни осмонга отсак бўлади. Шундай экан, ҳушёрликни ҳам бир дам бой бермай, қалб парваришида давом этайлик.

**С.САЛИМ**

САБОҚ

## Яхши хулқнинг посбони

Ростгўйлик ҳар қандай инсоний фазилатларнинг асосидир. Таъбир жоиз бўлса, ҳақиқат ҳар бир одамда инсоф-диёнатнинг нафс устидан ғолиб келиши демак.

Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт пайкар» асарида шундай ҳикоят бор. Сулаймон билан Билқисдан қўлоёғи шол фарзанд туғилибди. Икковлари бориб Жабройил алайҳиссаломга мурожаат қилишибди.

— Биримиз пайғамбар, биримиз парилар авлодидан бўлсак, нечун биздан бундай фарзанд туғилди?

— Бир-бирингизга рост сўзланг, шунда бола тузалади, — дебди Жабройил алайҳиссалом.

Сулаймон Билқисдан сўрабди:

— Бу жаҳонда ўзга кишининг суҳбатини орзу қилганмисан?

Билқис жавоб берибди:

— Сенинг давлатингда мен доим иззат-ҳурматдаман. Сендан кучли, сендан ўктами йўқ. Бироқ ёшроқ йигитларни кўрганимда, хаёлим бузилган вақтлар бўлган.

Бола бирдан икки қўлини олдинга чўзиб онасига талпинибди.

Билқис сўрабди:

— Молу давлатингнинг ниҳояси йўқ, кўнглинг яна бойлик истайдими?

— Мендаги мол-дунёнинг чеки йўқ, — дебди Сулаймон. — Шунга қарамай, бирор киши эшикдан салом бериб кирса, қандай туҳфа келтирди экан, деб қўлига қарайман.

Бола ўрнидан туриб чопқиллаб кетибди.

Қиссадан ҳисса шуки, ҳар қанча аччиқ бўлса ҳам ростлик керак.

* * *

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ҳадиси шарифларида айтадилар: «Рост гапирингилар, чунки ростгўйлик яхшиликларга бошлайди ва бу яхшиликлар жаннатга йўллайди. Ёлғон гапиришдан ўзларингизни сақланг. Чунки ёлғон гапириш ҳамма бузуқликларга олиб боради. Бузуқлик эса дўзахга йўллайди».

* * *

Рост сўзлаш ҳақида доно халқимиз ўртасида ибратли ҳикоятлар кўп.

— Бир яхшилик қил, дўстим, — деди Қулоқ Қўлга. — Анави пахтадан ол-да, мени бекит. Ёлғончи келяпти, зора, бу гал гапини эшитмасам. Қўл: «Хўп бўлади», — дея Қулоқнинг илтимосини бажарибди.

Ёлғончи келиб, уни у деб, буни бу деб, ёлғон-яшиқларни гапира кетибди. У қанчалик ёлғон гапирмасин, Қулоқ эшитмабди. Ёлғончининг гапи ҳавога учиб кетибди.

Қиссадан ҳисса шуки:

*Ёлғончининг ўзи ҳунук,*
*Ўзидан ҳам сўзи ҳунук.*

Тўғрилик инсон қадрини юксакларга кўтаради. Тўғрисўз одам бамисоли шам, шамнинг вазифаси эса ёниб тугагунча нур таратишдир. У бор экан, ёруғлик мавжуд. Тўғрисўз одам ҳам ўзидан бугун ҳаёти давомида меҳр, садоқат нурларини таратади. Шунинг учун ҳам тўғриликни яхши хулқнинг посбони дейишади.

Фарзандларимизда ростгўйлик фазилатини камол топтириш ота-она, муаллим, ҳаммамизнинг бурчимиздир.

**Зуҳро ИБРОҲИМОВА**

ОРЗУЛАР ҚАНОТИ

## Ватанга муносиб ниҳол

Юртбошимиз томонидан «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилиши ёшларимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, уларнинг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ижодий интеллектуал салоҳиятини намоён этишга хизмат қилаётган ушбу мукофотнинг алоҳида ўрни бор.

Мазкур мукофот учун танлов ҳар йили эстрада санъати, мусиқа ҳамда опера ижрочилиги, мумтоз қўшиқ ва рақс санъати йўналишларида уч босқичда ўтказилади. Айни кунларда чекка худудлардан ёш истеъдодларни кашф этишга алоҳида эътибор қаратилиб, жойларда «Ниҳол» мукофоти учун саралаш босқичлари кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

Ўтган йили бу кўрик-танловда 8 мингдан зиёд ёш ижрочилар қатнашган бўлса, бу йил қатнашчилар сони бунда-да ошиши кутилмоқда.

Акмалжон Акбаров ҳам «Ниҳол» мукофотига номзод умидли ёшлардан бири. У ҳозир республика мусиқа коллежининг 3-босқич талабаси бўлиш билан бирга, мамлакат миқёсида ўтказилган қатор танловлар иштирокчиси ва ғолиби ҳамдир. Жумладан, ўтган йили ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида совриндорлар қаторидан ўрин олди. Бўлғуси санъаткор ҳозирда устозлари Ботир Матёқубов, Дилнавоз Мамадалиева кўмагида мумтоз миллий ва жаҳон мусиқа санъати сирларини чуқур ўрганмоқда.

**Бунёд БЕК**

ЎЗЛИК

## Тарихий жойлар мозийдан мерос

***Мустақиллик туфайли халқимизнинг асрий қадриятлари қайта тикланди. Айниқса, жойларни тарихига қараб номлаш имкониятига эга бўлдик. Бошқача айтганда, ҳудудларнинг ўз номлари билан аталиши замондошларимизнинг тарихни теранроқ тушуниши учун замин яратмоқда. Буни Жиззах шаҳридаги жой номлари мисолида ҳам кўриш мумкин.***

Қадимги Уструшона давлатининг пойтахти бўлган — Дизак, яъни қалъа деган ном ўн асрдан ошиқроқ вақтдан бери тилларда такрор-такрор зикр қилинади. Мозий гувоҳки, бу вақт ичида қанчадан-қанча талотўплар бўлди, лекин Жиззах деган ном ўчмади.

Жиззахнинг энг мўътабар, тарихий жойи Ўрда номи билан юритилади. Дизак қалъаси ташкил этилган пайтда бу ҳудуд унинг юраги бўлган. Ўрда атрофи мустаҳкам, баланд деворлар билан ўралган. Ариқларда уни тоза ҳаво ва мўътадил муҳит билан таъминловчи сувлар оқиб турган.

Ўрда шаҳарнинг энг баҳаво жойи бўлиб, кўкка сув сачратадиган фавворалар, бир неча илм даргоҳлари, истироҳат боғи унинг кўркига-кўрк қўшиб турган. Бугунга келиб шаҳар ёшлари мазкур ҳудудда кўркам боғ яратдилар. У ерга юзлаб мевали, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди.

Таассуфки, собиқ шўро даврида шаҳардаги жойларнинг ҳақиқий номлари йўқ қилиниб, улар бу юртга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бошқа номлар билан аталди. Мисол учун, илгари Сайил жойи деб номланган маҳалла бир неча йиллар шўровий ном билан атаб келинди. Мустақиллигимиз шарофати билан унинг қадимий номи — Сайил жойи номи қайта тиклангани бу ерликларни жуда қувонтирди. Чунки халқ қадимда бу ҳудудда сайил қилгани, Наврўзда кўпкари-улоқ ўйинлари ўтказиб, маросимларда тўпланиб, ўйин-кулги, беллашувлар ташкил этгани маҳаллий аҳолига маълум эди-да.

— Шаҳримизда "Заргарлик" маҳалласи бўлган, — дейди "Нуроний" жамғармаси шаҳар бўлими раиси Иноъомжон Маматқулов. — 1370 йилда Амир Темур Самарқандни бошқарган дастлабки кунлардаёқ Жиззахни ўз салтанатига қўшиб олган ва ҳунармандчиликнинг, жумладан, заргарликнинг ҳам ривожланишига имкон яратган. Мўғуллар истилоси даврида яксон бўлган шаҳар тикланиб, заргарлик, ҳунармандчилик, нақкошлик, гиламдўзлик, эгарчилик, қурол-аслаҳалар ясаш каби ўша давр учун зарур касбларни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилган.

Жиззахликлар ясаган пичоқ, бешик, сандиқ, заргарлик буюмларини Буюк ипак йўлидан ўтувчи савдогарлар севиб харид қилган. Бу шаҳарда ҳунармандчиликка эътибор ҳозир ҳам пасайгани йўқ. Дуч келган жиззахликка бу ерда ясалган буюмни кўрсатиб, у қайси ҳунармандниг маҳсулоти эканини сўрасангиз, бехато айта олади.

Жиззахда работлик, оққўрғонлик, саройлик, ўратепалик, жиззахлик деб аталувчи маҳаллаларнинг ҳам ўзига яраша тарихи бор. Бу ерлардаги гузарларда истиқомат қилаётган одамлар ўз маҳаллалари тарихини жуда эъзозлайдилар. Айниқса, тўю-маросимларда бу туйғу янада ёрқин намоён бўлади. Бу ерликларнинг яна бир яхши одати шуки, ота-боболаридан қолган осори-атиқаларни гард юқтирмай асрайди.

Сирасини айтганда, бундай жойлар авлодларимизга мозийдан хабар бериб, аждодларга муносиб ворис бўлиши лозимлигини эслатиб туради.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ**

КИНО

***Москвада ўтказилаётган анъанавий XIX "Золотой витязь" ("Олтин паҳлавон") халқаро кинофоруми ўз ғолибларини маълум қилди. 30 дан ортиқ мамлакатнинг 200 дан зиёд фильмлари инсоний қадриятларни улуғлаш, боқий анъаналарга садоқат, замондошларимиз дунёқарашини теран таҳлил қилиш каби йўналишларда баҳоланди.***

## "Сув ёқалаб" — кумуш совриндор

Кинофорумнинг "Олтин паҳлавон" мукофоти сербиялик режиссёр Сржан Дрогоевичнинг «Авлиё Георгий илонни ўлдиради» ва Санкт-Петербурглик режиссёр Лидия Бобровнинг Василий Шукшин ҳикояси асосида суратга олган «Ишонаман» кинокартинасига берилди. "Кумуш паҳлавон" мукофотига ўзбек режиссёри Жаҳонгир Қосимовнинг Эркин Аъзамов сценарийси асосида суратга олган "Сув ёқалаб" фильми ва япон режиссёри Йодзиро Такитенинг "Ўтганлар" фильми муносиб кўрилди. "Бронза паҳлавон" мукофотига эса грециялик режиссёр Вассилис Дуроснинг "Олдинда тоғлар" фильми лойиқ топилди.

Ўзбек киномухлисларини қувонтирадиган яна бир янгилик: танловнинг энг яхши мультипликацион фильмлар номинацияси бўйича Нозим Тўлахўжаев режиссёрлигидаги "Букри ошиқ" фильми ҳам "Кумуш паҳлавон" мукофотига сазовор бўлди.

**Иномжон АБДИЕВ**

10 ИЮНЬ – ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ ТАЪСИС ЭТИЛГАН КУН

# ЗУЛФИЯХОНИМГА МУНОСИБ ҚИЗЛАР

**Мамлакатимизда ижодкор хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини янада оширмоқда. Бугун улар жамиятнинг етакчи кучига айланиб, ўзларининг билим ва салоҳиятларини Ватан равнақи, эл-юрт фаровонлигига хизмат қиладиган ёш авлод тарбиясига сарфлашаётгани юксак эҳтиромга лойиқ. Бу жиҳатлар илм-фан, маданият ва адабиётимизнинг ривожланишига доир эзгу ишларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.**

Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти кўплаб ёш истеъдодли қизларнинг камол топишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан 11 йил муқаддам жорий этилган мукофотнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим йўналишларидаги ушбу мукофотга номзодларни саралаш уч босқичли тизимда ўтказилади. Бундан кўзланган мақсад республикамизнинг чекка қишлоқ ва ҳудудларида яшаб ижод қилаётган ёш истеъдод эгаларини кашф қилиш, уларнинг ижодий ишларини кенг жамоатчиликка етказишдир.

Бугунги кунгача Зулфияхоним қизларининг сони 154 тага етиб, улардан 3 нафари Президент, 2 таси Навоий стипендияси совриндори, 2 нафари эса шахмат ва каратэ бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Ҳар йили Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган қизлар минглаб тенгдошлари қалбида ҳавас уйғотади.

Биз 10 июнь — Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган кун муносабати билан мукофот соҳибаларининг айримларини суҳбатга тортдик.

***Сарвиноз ҚУРБОНБОЕВА, Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 9-мактаб ўқувчиси, маданият йўналиши бўйича Зулфия мукофоти соҳибаси:***

— Баркамол авлод йилида шундай улуғ мукофотга сазовор бўлганимдан бахтиёрман. Болалигимдан ақлни чархлайдиган шахмат ўйинларига қизиқардим. Қишлоқда отам ва қариндошларим шахмат ўйнаб ўтирганларида мен ҳам уларнинг ёнларида ўтириб, томоша қилардим. Отам менга илк устоз бўлган. Кейинчалик шахмат тўгарагига қатнащдим.

Юртимизда спортни ривожлантириш учун яратилган шароитлардан фойдаланиб, жуда кўп мамлакатларда ўтказилган халқаро мусобақаларда иштирок этдим. Греция, Франция, Эрон, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари... ва Осиё, жаҳон чемпиони бўлдим. Ўша шаҳарларда эришган ютуқларим бир тараф, лекин ўз юртимда олган Зулфия мукофоти бир тараф бўлди. Мана шу эъзозларга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан.

***Айнура САПЕКЕЕВА, Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчиси, санъат йўналиши бўйича совриндор:***

— Бу йил менга насиб этган Зулфия мукофотини бутун қорақалпоқ ёшларига кўрсатилган катта эҳтиром деб биламан. Кўплаб халқаро танловларда асарларим билан қатнашганимда, уларга жаҳоннинг кўп мусаввирлари мафтун бўлишди. Лекин мен саховатли она диёримнинг кўрку жамолига мафтун эдим. Шу ўлкам гўзалликларидан илҳомланиб, бир қатор расмлар чиздим. Қалбимни ўз юртимнинг бетакрор табиати, самимий одамларининг меҳр-оқибати ром этиб, рассом бўлишимга ундади. Болалигимдаги орзуларим рўёбга чиққанидан мамнунман. Мукофот олган куним эса ҳаётимда энг унутилмас, ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

***Азиза АЛМАНОВА, Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси, фан йўналиши бўйича Зулфия мукофоти совриндори:***

— Бу мукофот илм-фанга қизиққан ёшлар учун ҳам юксак рағбат бўлмоқда. Ўзим ушбу танловда иштирок этиш учун кўплаб тадбирларда илмий изланишларим билан қатнашдим. 10 га яқин илмий-оммабоп мақолаларим республикамизнинг нуфузли газета-журналларида чоп этилди. Шу билан бирга мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган «Ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилайлик» номли рисолам ҳам нашрдан чиқди. «Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган «Йил қаҳрамонлари — 2007» танловида «Йил кашфиёти» номинацияси бўйича ғолиб бўлганим ота-онам, устозларимни қувонтирди. Зулфия мукофотига сазовор бўлганим эса қалбимда фахр-ифтихор туйғусини уйғотди. Айни пайтда «Қашқадарё дарёсининг экологик ҳолати ва унга таъсир этувчи манбалар, унинг атрофидаги ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқдаман.

*Қалби орзу-ҳаваслларга лиммо-лим Зулфияхоним қизларининг дил истаклари бизни ҳам тўлқинлантириб юборди. Шу ўринда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва ҳудудий хотин-қизлар қўмиталари қошида ташкил этилган «Иқтидорли қизлар» клуби фаолияти ҳам ёшлар иқтидорларини тўла намоён этишларида ўзига хос мактаб бўлмоқда. Лекин ҳар қандай юксак рағбат ва ғамхўрликнинг ҳам катта маъсулияти бўлади. Улар ана шу масъулиятни юракдан ҳис этиб, буюк ишларга чоғлангани кишини қувонтиради. Севимли шоирамиз Зулфияхоним айтганларидек, «Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали...».*

**Адиба УМИРОВА**
**"Hurriyat" мухбири**

СПОРТ

## БИРИНЧИ ЎЙИНГА ҲАКАМ ТАЙИНЛАНДИ

*ФИФА жаҳон чемпионатининг биринчи ўйинига ҳамюртимиз Равшан Эрматовни ҳакам этиб тайинлади. 2003 йилдан буён халқаро доирадаги учрашувларни бошқараётган Равшан Эрматов Осиё футбол конфедерациясининг энг яхши ҳаками ҳисобланади. У ФИФА турниридаги финал ўйинларини олиб бораётган Ўзбекистондан чиққан ягона ҳакамдир.*

*2010 йил жаҳон чемпионатининг биринчи ўйини 11 июнь куни Йоханнесбургда Мексика ва ЖАР ўртасида бўлиб ўтади.*

## РАФАЭЛЬ НАДАЛЬ ЯНА БИРИНЧИ



*Теннис бўйича Франция очиқ чемпионатида испаниялик Рафаэль Надаль ғолибликни қўлга киритди. У финалда швед спортчиси Робин Седерлингга қарши кортга чиқиб, рақибини 6:4, 6:2, 6:4 ҳисобида мағлуб этди.*

*Roland Garros турнирида яққол фаворит ҳисобланган Надаль еттита матчнинг биронтасида ҳам сетни бой бермади.*

*Надалнинг Франция Очиқ чемпионатидаги муваффақияти уни яна теннис рейтингида биринчи поғонага олиб чиқди. Швейцариялик Роджер Федерер чорак финалда Седерлингга мағлуб бўлгани сабабли жаҳоннинг биринчи ракеткаси номини қўлдан чиқарди.*

*Франция Очиқ чемпионатидаги бу йилги ғалабаси Надаль учун бешинчиси ҳисобланади. У 2005-2008 йилларда ҳам Roland Garros турнирида тўрт марта кетма-кет ғолибликни қўлга киритган эди.*

## ТУРКИЯ ГРАН-ПРИСИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

*"Формула-1" пойгаларининг Туркияда бўлиб ўтган еттинчи босқичи ниҳоясига етди. Red Bull жамоаси мусобақаларда энг яхши натижага эришди. Бу мавсумда Кристиан Хорнер шогирдлари етти имкониятдан унумли фойдаланиб, етти маротаба биринчиликни қўлга киритишди. Мусобақаларнинг кейинги босқичи Канадада ўтказилади.*

**Лобар РАҲИМЖОНОВА**
**тайёрлади**

САРЧАШМА

## ИШҚ ЖОН МУЛКИДА СУЛТОНДИР

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.
**Алишер НАВОИЙ**

* * *

Ошиқ худбинликка бўлса гирифтор,
Бўлур доим маъшуқ эшигида зор.
**ЗЕБУННИСО**

* * *

Ишқки жон мулкида султон эрур,
Шоҳ-у гадо анга чу яксон эрур.
**ДУРБЕК**

* * *

Минг хил одобни ишқдан ўқир жон,
Уларни мактабдан тополмас инсон.
**Жалолиддин РУМИЙ**

* * *

Парвона оташдан ҳузур топса гар,
Куйса ҳам ҳеч қачон этмайди ҳазар
**Фариддиддин АТТОР**

* * *

Вафода ўхшама булбулга асло,
Ҳар он ул ўзга гул бошида шайдо.
**Носир ХИСРАВ**

ЎСИМЛИКЛАР ОЛАМИ

# Қаҳва ўрнига сачратқи?..

Султон Сулаймон қаҳва ичишни хуш кўраркан. Кунлардан бир куни у қаҳва камайиб қолаётганини сезиб қолибди. Шунда у хизматкор ва соқчиларни сездирмай кузата бошлабди. Кузатувлар ўз натижасини берибди. Хизматкорлар қаҳвадан олиб, унга қандайдир ўсимликни аралаштириб ичишаётган экан. Ичимлик жуда ҳам лаззатли эди. Султон ҳам бу ичимликдан ичиб кўриб, унинг мазасига таҳсин ўқибди. Султон Сулаймонни ҳайратга солган бу ўсимлик сачратқи эди. Бу ўсимлик нафақат ўзининг ажойиб таъми, балки шифобахшлиги билан ҳам эътибор қозонган.

Сачратқи қадим замонлардан бир қатор касалликларнинг давоси сифатида халқ табобатида қўлланиб келинади. Абу Али ибн Сино бу ўсимлик ёрдамида кўнгил озиши, иситма, кўз яллиғланиши, подагра, шунингдек, ич кетиш касаллигини даволаган. Сачратқи "сути"нинг шираси ёрдамида кўзга тушган оқни кетказишга ҳаракат қилган. Ил-

дизини қуритиб, туйган ҳолда газанда ва ари чақ-қан жойга босишни тавсия қилган.

Халқ табобатида сачратқининг қуритилмаган илдизи ичбурама касаллиги ва яллиғланишда, қайнатмаси иштаҳа очувчи ва овқат ҳазм қилдирувчи ҳамда микробларга қирон келтирувчи восита сифатида тасвия этилади. Офтоб урган болалар сачратқининг ер устидаги қисмидан тайёрланиб, тиндирилган қайнатмада чўмилтирилса, яхши фойда беради.

Маълумотларга қараганда, сачратқи ҳамда мойчечак гуллари аралашмасидан тайёрланган қайнатмадан жигар, талоқ, буйрак ва меъда касалликларини даволашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сачратқи гуллари одамнинг марказий асаб тизимига тинчлантирувчи таъсир кўрсатади, юрак фаолиятини яхшилайди.

Сачратқи ўсимлигидан нафақат халқ табобатида, балки ошпазликда ҳам кенг фойдаланилади. Унинг янги чиққан барглари ва илдизидан ҳар хил салатлар тайёрланади. Сачратқи илдизларини совуқ сувда ювиб олгач, майда қилиб тўғралади, сўлитиб, қовуриб, сўнгра товада қуритилади. Кукунга айлантирилган сачратқи илдизи сувда яхши эрийди. Ундан қаҳва ўрнини босувчи суррогат сифатида фойдаланилади. Сачратқи илдизидан тайёрланган ичимликни французлар "десерт ичимлиги" деб юритишади.

**Лобар АБДУЛЛАЕВА**
**тайёрлади**

ҚАТРАЛАР

## Меҳмонлар

Кўнгил кўшкига Орзу, Умид, Армон йўл олишди. Кўшкка Орзу, кетидан Умид оёқ қўйди. Армон остона ҳатлаётганда, улар:

— Сен қаёққа? Биз бор жойда сенга нима бор? — дейишди.

Шунда Кўнгил:

— Кўяверинг, кирсин. Чунки сиз бор жойда у ҳам қўним топади, — деди.

## Шар

Шарни сотиб олишди. У хурсанд. Пуфлаб шиширишди. У беҳад хурсанд. Учиришди. Ўзида йўқ хурсанд. Ногоҳ шар ёрилиб кетди-ю, ўзини ерда кўрди...

## Оқибат

Ёз палласи. Кун жуда иссиқ. Деворда икки қатор бўлиб ҳаракат қилаётган чумолиларга эътибор бердим. Чумолилар одамларга ўхшаб ҳол-аҳвол сўраш учунми, бир-бирларининг қаршисида тўхтаб, яна ҳаракатни давом эттирарди.

Арзимас гап-сўзларни деб ўз қон-қариндошлари, дўст-биродарлари билан юзкўрмас бўлаётган инсонлар табиатнинг шу ожиз, лекин оқибатли жонзотидан ўрнак олсалар эди...

**Зухро ИБРОҲИМОВА**

HURRIYAT
Мустақил газета
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@mail.ru

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.45

® — тижорат белгиси.

Адади: 14158 Буюртма — Г-526 1 2 3 5